БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 31 (18.209). • 6 февраль 1982 йил, шанба • Баҳоси 3 тийин.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ ҲИССА

«Катта химия»нинг ишга туширилaдиган муҳим корхоналарини машина ва ускуналар билан таъминлашда Чирчиқдаги Узбекистон химия машинасозлиги заводининг фидохор коллективи ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Ун биринчи беш йилликнинг иккинчи йили учун қабул қилган юксак социалистик мажбуриятларида ҳам бу алоҳида қайд этилган.

Корхона ишчилари йил бошиданоқ ўз зиммасидаги бу масъулиятли вазифаларни бажариш йўлида қизғин меҳнат қилмоқдалар. Ҳозир бу ерда меҳнат унумдорлигини ошириш суръатлари ўсмоқда, маҳсулот тайёрлаш кўпаймоқда. Бунга технология жараёнларини такомиллаштириш, меҳнатда прогрессив иш усулларидан тўла фойдаланиш, материал ва хом ашёдан тежаб-тергаб фойдаланиш, прогрессив конструкторлик ечимларини дадил ишга солиш ҳамда ишга ёрдам берадиган бошқа тадбирлардан кенг фойдаланиш туфайли эришилаётир.

Бу ишларда корхонанинг меҳнатсевар шижоаткор ишчилари алоҳида намуна кўрсатмоқдалар. Корхонанинг илғор ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори, моҳир слесарь Вячеслав Арсеньевич Ус ҳам коллектив ўртасида кенг ном олган социалистик мусобақада олдингилар сафида бормоқда. У тайёрлаётган маҳсулотлар миқдори ва сифати билан алоҳида ажралиб туради. Шунинг учун ҳам меҳнатдаги муваффақиятлари учун ўтган йили СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг қатнашчиси бўлди. Илғор ишчи шогирдлар етиштиришда ҳам ҳамкасбларига ўрнак кўрсатмоқда. Корхонага ишга келган ёшлардан бир неча нафарини ўзи сингари моҳир слесарь қилиб тайёрлади. Шунинг учун ҳам бу моҳир машинасоз ҳар доим коллективининг иззат-икромини қозониб келмоқда.

Бундай кишилар корхонада жуда кўп. Унинг яқин дўстлари — илғор токарь Николай Васильевич Тур, Александр Петрович Гизатулин, Наримон Абкаримович Аеднов ва бошқалар ҳам коллективнинг фахридир. Суратда: Вячеслав Арсеньевич Ус.

Р. Шамсуддинов фотоси. (ЎзТАГ).

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

◆ САМАРҚАНД

Самарқанддаги «Средазхимстроймонтаж» трести ремонт қурилиш бошқармасининг ишчилари химия заводининг экстракция цехини капитал ремонтдан чиқардилар. Бу иш муддатидан илгари амалга оширилди. Вакуум-фильтрлар тўғриланди. Экстрактор тузатилди.

Яқин-яқинларда ремонтчилар ўз графикларини бажаролмас эдилар. Меҳнатни тўғри ташкил этиш, бригадаларнинг ишсиз қолиши камайтирилганлиги натижасида меҳнат унумдорлиги анча кўтарилди. Ремонтчилар СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ўтказилаётган мусобақага актив қўшилиб Самарқанд химия заводи цехларида капитал ремонт ишларини муддатидан илгари якунлашга ахд қилдилар. Бу химикларга плондан ташқари юз минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш имконини беради.

◆ НУКУС

Нукус уй қурилиш комбинати коллективи шу кунларда зарбдорларча меҳнат қилмоқда. Нукус уйсозлари комбинат реконструкция қилингандан кейин янада баракали меҳнат қилишмоқда. Шу йилнинг ўзида 72 минг квадратметр уй-жой, яъни 30 та тўрт хонали уйни фойдаланишга топширишади.

◆ ФАРҒОНА

Фарғона областидаги пахта тозалаш заводларининг коллективлари «Ҳар бир кун — ҳосил ҳизматида» шиори остида социалистик мусобакани авж олдириб юбордилар. Улар ҳар куни ўнлаб тонна уруғликни планга қўшимча равишда сараламоқдалар ва дориламоқдалар. Областнинг пахтачилик хўжаликлари баҳоргача 6 та районлаштирилган уруғлик навини оладилар. Корхоналар кўплаб миқдорда АН—402 янги ғўза навининг уруғлигини тайёрламоқдалар. Бу уруғлик областдаги экин майдонининг қарийб учдан бир қисмига қадалади.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ XII СЪЕЗДИ

Ўзбекистон касаба союзларининг XII съезди 5 февраль куни Тошкентда ўз ишини тугаллади.

Съездда Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети билан ревизия комиссиясининг ҳисобот докладларини муҳокама қилиш давом эттирилди. Музокараларда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғ. Ғафуржонов, Жиззах область касаба союзлари Советининг раиси А. Н. Нормуродов, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари С. О. Азимов, Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг студенти М. Ҳусанова сўзга чиқдилар.

Съездда ВЦСПС секретари А. В. Викторов нутқ сўзлади.

Ишчилар синфининг ёш ўринбосарлари — Ўзбекистон пойтахти ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари съездни табриклaдилар.

Делегатлар бир овоздан қабул қилган резолюцияда КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезднинг қарорлари асосида Ўзбекистон касаба союзларининг вазифалари белгиланган. Ревизия комиссиясининг доклади тасдиқланди.

Съезд Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг янги составини, Ўзбекистон касаба союзлари ревизия комиссиясини сайлади.

Делегатлар Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга гулдурос қарсаклар остида табрикнома қабул қилдилар.

(ЎзТАГ).

СССР 60 ЙИЛЛИГИГА ЗАРБДОР ХАФТА

◆ РЕСПУБЛИКАМИЗ МЕҲНАТКАШЛАРИ ЮБИЛЕЙ ОЛДИ ВАХТАСИДА

◆ ИЛҒОР КОЛЛЕКТИВЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

◆ КУКЛАМГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН ПАЛЛАДА

ТЕЖАЛГАН КИЛОМЕТРЛАР

Тошкентдаги 2521-автоколоннанинг илғор ҳайдовчиси Владимир Васьковский «ЗИЛ-130» машинасида капитал ремонтсиз 600 минг километрдан кўпроқ йўл босди. Шу билан у 7 минг сўмча тежади.

Владимирга янги ЗИЛнинг калити 1972 йилда топширилган эди. Ушанда у машинани капитал ремонтсиз 300 минг километр юргизаман деганди. Вақт бу борада жуда кўп имкониятлар мавжудлигини кўрсатди.

Энди илғор ҳайдовчи янги бир маррани белгилаб олди. Унинг машинаси ҳозир ҳам жуда яхши ишлаб турибди. Шунинг учун Васьковский «СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» шиори остидаги мусобақага илғорлардан бири бўлиб қўшилиб, машинасида 700 минг километргача йўл босиб ўтишга қарор қилди. (ЎзТАГ).

ПАРТИЯ КЎРСАТГАН ЙЎЛДАН

Партиянинг содиқ ёрдамчилари, унинг омма орасидаги ишончли таянчи бўлиш, ўзининг бутун фаолияти билан социалистик демократияни ривожлантиришга, меҳнаткашларни коммунизм қурилишига жалб этишга кўмаклашиш — совет касаба союзларининг фахрли вазифасидир. Ҳозир, ривожланган социализм даврида касаба союзларининг роли анча кучайди.

Ўзбекистон касаба союзлари XII съезднинг делегатлари республика касаба союзларининг ишлари ва режалари тўғрисида гапирдилар. Касаба союзлари ўзларининг жуда катта ҳуқуқлари ва вазифаларини янада яхшироқ амалга оширишлари учун қандай амалий тадбирларни кўриш лозим, касаба союзларининг иши партия XXVI съезди қарорларида, ўртоқ Л. И. Брежнев нутқларида КПСС Марказий Комитетининг ва Ўзбекистон Компартияси XX съезднинг қарорларида ўртага қўйилган юксак талабларга тўла-тўкис мос бўлиши учун ҳамма иш қилинаяптими, деган фикр делегатларнинг нутқларидан сезилиб турди.

Съезд қатнашчилари партия билан Совет ҳукумати ўн биринчи беш йиллик учун белгилаган улуғвор бунёдкорлик ишлари планлари, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги байрамига тайёргарлик тўғрисида республика ишчилари, колхозчилари, зиёлиларининг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати жўш урганлигини зўр мамнуният билан гапириб бердилар. 1982 йил ва умуман беш йиллик учун қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш ҳар бир меҳнат коллективининг шиоридир.

Съезд делегатлари Коммунистик партиянинг доно ички ва ташқи сиёсатини чин кўнгилдан яқдиллик билан мақўлламоқдалар, халқ баҳт-саодати тўғрисида, планетада мустаҳкам тинчлик бўлиши ҳақида қилиняётган тинимсиз ғамхўрлик учун КПСС Марказий Комитетига, унинг содиқ ленинчи Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюросига астойдил миннатдорчилик билдирмоқдалар.

Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси **Н. М. Маҳмудова** қилган ҳисобот докладида таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистон касаба союзлари ўзининг XII съездига Коммунистик партия тевараги да маҳкам жипслашган ҳолда келдилар. У ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди, хўжалик, социал ва маданий вазифаларни ҳал этишда актив қатнашмоқда, меҳнаткашларнинг манфаатларини қондириш тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилмоқда. Республика касаба союзларининг XI съездидан кейин унинг сафига 1,7 миллион киши қўшилди. Юз минглаб колхозчилар касаба союзларига аъзо бўлиб кирганлиги катта воқеа бўлди.

Ўзбекистон касаба союзлари ҳисобот даврида ўз ташкилотчилик ва тарбиявий ишини коммунистик қурилишда меҳнаткашларнинг ташаббускорлиги ва ижодий активлигини оширишга, социалистик мусобакани янада ривожлантиришга каратди. Ҳозир республикадаги меҳнат мусобақасида 4 миллион 300 минг киши қатнашмоқда, уларнинг ярмидан кўпроғи меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракатида иштирок этмоқда. Уч минг коллектив, бир ярим миллионга яқин меҳнаткаш ўнинчи беш йиллик ва 1981 йил топшириқларини муддатидан илгари бажарди. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ҳар томонлама ошириш, мавжуд резервлардан тўла-тўкис фойдаланиш, хом ашё ва материаллардан тежаб-тергаб фойдаланиш йўлини тутаётган саноат ва қурилиш илғорлари изидан бораётган ассаматлар тобора кўпаймоқда. Меҳнатни ташкил этишнинг бригада формалари кенг миқёсда оммалашмоқда. Ўн биринчи беш йилликда 787 миллионли рационализаторлар тежамкорлик фондини вужудга келтириш юзасидан олинган мажбурият бажарилмоқда. Республика ишчилари, колхозчилари, зиёлиларининг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати жўш урганлигини зўр мамнуният билан гапириб бердилар. 1982 йил ва умуман беш йиллик учун қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш ҳар бир меҳнат коллективининг шиоридир.

Кейинги вақтларда коллектив шартномалар бўйича олинган ўзаро мажбуриятларнинг ўз вактида бажарилиши устидан контроллиқни кучайтириш юзасидан бир канча тадбирлар амалга оширилди. бундай шартномаларнинг тузилиши меҳнаткашларнинг Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқларини амалга оширишга ёрдам беради. Ўтган йилнинг ўзида шу ҳужжатларни ишлаб чиқиб ва муҳокама қилиш чоғида сермеҳнат жараёнларни механизациялаш, меҳнат ва дам олиш шароитларини, ошхоналар, завод медицина муассасалари, мактабгача тарбия муассасалари ишини яхшилаш масалалари юзасидан 104 мингтадан кўпроқ таклиф тушди.

Республика касаба союзларининг халқ фаровонлигини юксалтириш ишига қўшаётган ҳиссаси йил сайин кўпаймоқда, ўнинчи беш йиллиқда ва 1981 йилда санаторий, курортларда даволаш, дам олиш, туризм, шифобахш овқатланиш харажатлари 160 миллион сўмдан ошиб кетди. Минг ўринли кўп профилли «Чимён» санаторийси, «Луначарское» ва «Чинобод» санаторийларида янги корпуслар, янги санаторий - профилакторийларда ўнлаб меҳмонхоналар, туристик базалар ва кемпингларга ишга туширилди. Меҳнаткашларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш савдо-сотиқни ва умумий овқатланишни такомиллаштириш вазифаси касаба союзларининг бевосита иштирокида ҳал этилмоқда.

Касаба союзлари партия органларининг кундалик ёрдамига таяниб меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишини кенг авж олдирмоқдалар. улар ўз ихтиёридаги маданият саройлари, клублар ва кутубхоналар, киноустановкалардан моҳирона фойдаланишни бу муҳим соҳадаги муваффақиятнинг зарур шарти деб билмоқдалар. Меҳнаткашларнинг тобора кўпчилиги ва ўқувчи ёшлар физкультура ва спорт машғулотларига жалб этилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда).

ЕНГИЛ САНОАТНИНГ ҚУВВАТЛАРИ ЮКСАК СУРЪАТЛАР БИЛАН ОШИРИЛСИН!

ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ ҚУРИШ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШНИ, УЛАРДАГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИНИ ИШГА ТУШИРИШ ВА БАРВАҚТ ЎЗЛАШТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ УЧУН МУСОБАҚА ТАШАББУСКОРЛАРИНИНГ 1982 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

КПСС Марказий Комитети 1981 йилда СССР Оғир индустрия корхоналари қурилиши министрлиги, СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, СССР Қурилиш министрлиги, СССР Қишлоқ қурилиши министрлиги, СССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги СССР Енгил саноат министрлиги меҳнат коллективларининг ўн биринчи беш йилликда енгил саноат корхоналарини қуриш ва реконструкция қилишни, улардаги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва барвакт ўзлаштиришни жадаллаштириш учун социалистик мусобақани авж олдириш юзасидан бошлаган ташаббусини маъқуллаган эди.

Мусобақа қатнашчилари КПСС XXVI съездининг совет кишилари фаровонлигини янада оширишга доир қарорларини турмушга татбиқ этиб, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш узоқ муддатли программасини амалий равишда рўёбга чиқариш ишига муносиб ҳисса қўшдилар. Украина, Белоруссия, Узбекистон ва Молдавиянинг енгил саноат ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишни жадаллаштириш юзасидан белгиланган планни ва социалистик мажбуриятларни бажаришда юксак кўрсаткичларга эришган илғор коллективлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномасига сазовор бўлдилар. 1981 йилда мамлакатда 43 минг тонна ип, жун ва шталель калава, 149 миллион метр ип ва шойи газлама, 45 миллиондан кўпроқ трикотаж ва 39 миллион жуфт пайпоқ, 1,6 миллион квадрат метр гилам ишлаб чиқарадиган янги қувватлар барпо этилди. Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ҳамда рўзғор асбоблари министрлиги корхоналарининг коллективлари ишга туширилaдиган объектларга технология машина-ускуналарини муддатидан илгари етказиб бериш юзасидан ўзлари олган мажбуриятларни бажарганлиги бунга имкон берди. Уй-жой бинолари, ётоқхоналар, мактабгача тарбия муассасалари ва маданий-маиший объектларни ишга тушириш таъминланди. Енгил саноат корхоналари қурилиши тезлаштирилиши ва улардаги янги қувватлар ўзлаштирилиши қисобига 1981 йилда планга қўшимча равишда бир неча ўн миллион сўмлик халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқарилди.

СССР Оғир индустрия корхоналари қурилиши министрлиги, СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, СССР Қурилиш министрлиги, СССР Қишлоқ қурилиши министрлиги, СССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги, СССР Енгил саноат министрлигининг қурилиш, монтаж ташкилотлари ва корхоналари илғор коллективлари КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленуми қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумдаги нуткида баён этилган қоидалар ва хулосаларга амал қилиб, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини меҳнатда янги ютуқлар билан нишонлашга интилиб, 1982 йил учун енгил саноат қувватларини жадал ошириш юзасидан социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар.

Мусобақа ташаббускорлари умуман тармоқ бўйича пудрат ишлари ва товар қурилиш маҳсулоти юзасидан белгиланган планнинг 1982 йил 25 декабрда бажарилишини таъминлаш мажбуриятини олдилар. 62 та ишлаб чиқариш қуввати ишга туширилади, шунидан 28 таси муддатидан илгари фойдаланиш учун топширилади.

СССР Оғир индустрия корхоналари қурилиши министрлигининг ташкилотлари олган социалистик мажбуриятларда қуйидагилар кўзда тутилган:

Курск пойабзал фабрикасидаги янги қувватлар белгиланган муддатларга қараганда уч ой илдамроқ ишга туширилади, Актюбинск жунга дастлабки ишлов бериш фабрикасининг иккинчи навбати, Оренбургдаги «Урал» чарм пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасида 990 минг жуфт чарм пойабзал ва Вологда областидаги Великоустюг фабрикасида 500 минг жуфт кигиз пойабзал ишлаб чиқарадиган қувватлар муддатидан илгари фойдаланиш учун топширилади;

СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигининг ташкилотларида:

Ивано-Франковск областидаги Колома лардабоп газламалар фабрикасидаги янги қувватлар, Иркутскдаги «Пролетарий» трикотаж фабрикасида 2 миллионта трикотаж қийим ишлаб чиқарадиган, Могилев шойи газлама ишлаб чиқариш бирлашмасида 15 миллион квадрат метр тайёр газлама ва Озарбайжон ССРдаги Шчекино шойи комбинатида салкам 16 миллион метр тайёр газлама ишлаб чиқарадиган янги қувватлар пландаги муддатидан бир ой илгари — 1 декабргача ишга туширилади; Кобрино йигирув-тўқув фабрикасида 500 та тўқув станоги, Ереван мовут фабрикасида 4 мингтадан кўпроқ йигирув урчуғи, Стерлитамак чарм пойабзал комбинатида 1,4 миллион жуфт пойабзал ишлаб чиқарадиган қувватлар, Закарпатье областидаги Хуст фетр-фильц фабрикасида 1 миллионта бош қийим ишлаб чиқарадиган қувватлар белгиланган муддатидан 15 кун барвақт ишга туширилади;

СССР Қурилиш министрлиги ташкилотларида:

Андижон ип газлама комбинатида 828 та тўқув станоги, Киргизистон ССРдаги Ўш шойи комбинатида 7 миллион квадрат метрдан кўпроқ тайёр газлама ишлаб чиқарадиган қувватлар қарийб икки ой илгари, Улуғ Октябрнинг 65 йиллиги кунигача ишга туширилади, Литва ССРдаги Паневежи зигир толаси заводида 4 минг тонна зигир тола ишлаб чиқарадиган, Эстония ССРдаги Кохтла-Ярва тикув фабрикасида 700 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадиган қувватлар планда белгиланган муддатидан бир ой илгари фойдаланиш учун топширилади; Бухоро тўқимачилик комбинатида 2100 та тўқув станоги, Фарғона тўқимачилик комбинатида 400 та тўқув станоги, Тирасполь ишлаб чиқариш ип-газлама бирлашмасида 2236 та тўқув станоги, Туркманистон ССРдаги Чоржўй тикув фабрикасида 1,5 миллион сўмлик маҳсулот, Душанба ишлаб чиқариш тикув бирлашмасининг Кўрғонтепа филиалида 1,42 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадиган қувватлар муддатидан аввал ишга туширилади;

СССР Қишлоқ қурилиши министрлиги ташкилотларида:

Молдавия ССРдаги Унгене гилам комбинатида 31 та тўқув станогини қуриш муддатлари қисқартирилиб, СССР Конституцияси кунигача ишга туширилади, Литва ССРдаги Расейняй «Шатрия» ишлаб чиқариш тикув бирлашмасида 500 минг сўмлик қийим-кечак ишлаб чиқарадиган қувватлар Улуғ Октябрь юбилейигача ишга туширилади, Владимир областидаги Городишче гул босиш фабрикасининг охорлаш ишлаб чиқариши, Узбекистон ССРдаги Мангит йигирув-тўқув фабрикасида 12 мингта урчуқ, Андижон пойабзал фабрикасида 1,5 миллион жуфт чарм пойабзал ишлаб чиқарадиган қувватлар, Ўзбекистон ССРдаги Хўжаобод спорт моллари фабрикасида 1,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадиган қувватлар пландаги муддатларидан Бир ой илдамроқ фойдаланишга топширилади.

СССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги ташкилотларининг коллективлари оширилган социалистик мажбурият қабул қилдилар. Шу министрликка қарашли «Союзмонтажлегмаш» трестининг коллективи енгил саноат қурилиш ташкилотлари ва корхоналарининг коллективлари билан меҳнат ҳамдўстлиги анъаналарини ривожлантириб, енгил саноатнинг ишга туширилaдиган ҳамма объектларида технология машина-ускуналарини монтаж қилишнинг юксак суръатлари ва сифатини таъминлаш мажбуриятини олди.

Мусобака қатнашчилари уй-жой бинолари, ётоқхоналар, мактабгача тарбия муассасалари, ҳунар-техника билим юртлари ва маданий-маиший объектлар қуриш топширикларини бажаришга, уларни юқори сифатли қилиб битказиб, фойдаланиш учун топширишни таъминлашга қарор бердилар.

СССР Енгил саноат министрлиги корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини муддатидан илгари ишга туширишга ва ўзлаштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши 1982 йилда 80 тонна пахта толасидан йигирилган калава, 2 миллион метрга яқин ип ва шойи газлама, қарийб 7 минг жуфт кигиз пойабзал, 13 мингта фетр бош қийими, 900 минг сўмлик қийим-кечак ва енгил саноатнинг бошқа маҳсулотларини қўшимча равишда ишлаб чиқариш имконини берди.

Социалистик мусобака ташаббускорлари СССР Госснаби ташкилотларига, машина-ускуналар етказиб берувчи машинасозлик корхоналарининг коллективларига, енгил саноат корхоналари қурилишининг барча қатнашчиларига мурожаат қилиб, шу тармоқ объектларини «Ишчи эстафетаси» принципи асосида қуриш ва ишга туширишни жадаллаштириш учун мусобақага актив қўшилишга чақирдилар. Улар КПСС XXVI съезди ишлаб чиққан иктисодий ва социал программани амалга ошириш учун ўз кучлари, механизмлар ва ғайратларини аямаслик, 1982 юбилей йилини коммунистик қурилишда янги меҳнат муваффақиятлари билан нишонлаш тўғрисида КПСС Марказий Комитетига, шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга ваъда бердилар.

Социалистик мажбуриятлар енгил саноат қурилиш, монтаж ташкилотлари ва корхоналари меҳнат коллективларининг умумий йиғилишларида қабул этилди.

УЗСОВПРОФ ПЛЕНУМИ

5 февраль куни Ўзбекистон касаба союзлари XII съезди сайлаган Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг пленуми бўлди.

Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди.

Н. М. Маҳмудова Узсовпроф раиси ва президиумининг аъзоси қилиб сайланди О. К. Аламанов, В. П. Кузьмин, М. Қулибоев, Х. В. Нўъмонов, А. Я. Тощматов Узсовпроф секретарлари ва президиумининг аъзолари қилиб сайландилар.

А. В. Бранлов, А. И. Будагов, А. П. Володарский, Е. А. Губина, М. И. Иброхимов, Х. Қорабоев, М. Раззоқов, А. Ф. Собиров, С. У. Султонова, Ф. Т. Ҳошимхўжаев, Т. Шчербеков Узсовпроф президиумининг аъзолари бўлишди.

* * *

Узбекистон қасаба союзлари янгидан сайланган ревизия комиссиясининг мажлиси бўлди. М. К. Орипов ревизия комиссиясининг раиси қилиб сайланди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

З. СУЛТОНОВ ВА И. СУЛТОНОВ ЎРТОҚЛАРНИ «ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШДАГИ АЪЛО ХИЗМАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашдаги хизматлари учун қуйидагилар СССР Олий Совети Президиуми номидан «Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизмати учун» медали билан мукофотлансин:

Султонов Зокиржон — милиция старший лейтенанти

Султонов Исмоилжон — милиция лейтенанти

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

И. УСМОНХЎЖАЕВ

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Г. ҲАЙДАРОВА

Тошкент шаҳри,
1982 йил 5 февраль.

ТОШКЕНТ КИНОФЕСТИВАЛИГА ҲОЗИРЛИК

УЧ ҚИТЪА КИНО ЭКРАНИ

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг VII Тошкент халқаро кинофестивалига бағишланган кечалар туркумининг дастлабкиси Осиё мамлакатларининг кино санъати тўғрисида ҳикоя қилади. Кечани республика кино уйи Тошкентда ўтказди. Кечалар туркуми программасига мувофиқ санъатшунослар лекция ўқишади, таниқли режиссёрлар ва актерлар билан суҳбатлар ўтказилади, кинематографияни ривожлантириш тарихида сезиларли воқеа бўлган Ватанимиз ва чет эл фильмлари намойиш қилинади.

Маданият саройларида, ишчи ва қишлоқ клубларида ҳам мунтазам суратда ўтказила бошлаган тематик кечалар, лекция ва суҳбатлар уч қитъа экран усталарининг бўлажак учрашувига бағишланган.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ XII СЪЕЗДИ

ПАРТИЯ КЎРСАТГАН ЙЎЛДАН

(Боши биринчи бетда).

Докладчи, шунингдек музокарада сўзга чиққан нотиқлар мана шу ижобий натижаларни қайд этиш билан бирга, касаба союз ташкилотлари фаолиятида ҳали мавжуд бўлган катта-катта камчиликларни кўрсатиб ўтдилар. Кўпгина касаба союз комитетларининг мусобақани ташкил этиш соҳасидаги иш савияси ҳозирги кун талабларига, КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленуми йўл йўриқларига тўла-тўкис мувофиқ эмас. Ҳар бир меҳнаткаш план ва социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши, иш сифатини яхшилаш тўғрисида чинакам омилкорлик билан ғамхўрлик қиладиган бўлишига, ишлаб чиқариш интизомига қатъий риоя этадиган, хом ашё ва материалларни тежаб-тергаб сарфлайдиган бўлишига эришиш касаба союзларининг энг муҳим вазифасидир. Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини янада ошириш, уларнинг кучайиб бораётган маданий талабларини қондириш билан боғлиқ бўлган актуал масалаларни ҳал этишда партия ва хўжалик ташкилотларига янада зўр ғайрат билан ёрдам бериш керак. Бошланғич касаба союз ташкилотларига раҳбарликни яхшилаш, касаба союз ишида жамоатчилик асосларини ривожлантириш тўғрисида кадрларнинг ўсиши ҳақида кўпроқ ғамхўрлик қилиш лозим.

Тошкент область касаба союзлари Советининг раиси **А. В. Бранлов** пойтахт области меҳнаткашларининг муваффақиятлари ҳақида уларнинг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи шонли 60 йиллигини муносиб кутиб олишга интилаётганликлари тўғрисида гапирди. У ҳозир сифат, ижодкорлиги янги ҳусуснатлар касб этаётган ҳамда меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг ҳўжалик ва маданий қурилиш сурватларини жадаллаштириш йўлидаги курашда уларнинг кўч-ғайратларини активлаштиришнинг қудратли воситаси бўлган социалистик мусобақага раҳбарлик қилиш масалаларига батафсил тўхталди. Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узбекхиммаш», «Ташсельмаш» заводлари, Ангрен кўмир разреза ва бошқа корхоналарнинг касаба союз комитетлари, цех комитетлари ва касаба союз группалари социалистик мажбуриятларнинг жамоат томонидан ҳимоя қилинишини одат тусига киритмоқдалар, шахсий ижодий планларни тузишда рационализмга йўл қўймасликда инженер-техник ходимларга ёрдам бермоқдалар. Мусобака якунларини оператив равишда кун сайин чиқариб туриш шак-шубҳасиз мақсадга мувофиқ эканлигига касаба союз ходимлари ўз тажрибасида ишонч ҳосил қилмоқдалар. Бригада пудратига оммавий равишда ўтилиши бригада ичида касб-кор маҳорати мактабларини ривожлантиришни тақозо этди. Қишлоқ меҳнаткашларининг, айниқса пахтакорлар ва чорвадорларнинг социалистик мусобақасини ривожлантириш ва такомиллаштиришда касаба союз ташкилотларининг ролини ошириш зарурати етилди.

Самарқандаги «Труд женщин» фабрикасининг каштачиси, КПСС XXVI съезднинг делегати **С. С. Лўқмонова** меҳнаткаш чўллар тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик учун Коммунистик партия билан Совет ҳукуматига чуқур миннатдорчилик изҳор этди. У ва дугоналари ишлаб турган корхонада самарали меҳнат қилиш ва яхши ҳордиқ чиқариш учун ҳамма шароит яратиб қўйилган, шинам ошхона, медицина пункти, маиший хизмат уйи, жуда яхши болалар боғча-яслилари ишлаб турибди. Корхона касаба союз комитети республика шаҳарларига экскурсиялар уюштирмоқда. Нотиқ анча кенг фабрика биносини қуриш, маънавий жиҳатдан эскириб қолган асбоб-ускуналарни янгилаш зарурлигига эътиборни қаратади. Шунда хотин-қизлар меҳнатининг натижалари ҳам анча салмоқли бўлади.

Қорақалпоғистон область касаба союзлари Советининг раиси **Т. Шчербеков** бундай дейди: Автоном республикада ҳозир 2300 та фабрика-завод ва маҳаллий касаба союз комитети, 950 тадан кўпроқ цех комитети ва 5200 та касаба союз группаси ишлаб турибди. Бевосита саноат корхоналарининг цехларида, колхоз ва совхозларнинг бўлимлари ҳамда бригадаларида ишлаб турган касаба союз активлари кўпайиб бормоқда. Уларнинг фаолияти Ленининг касаба союзлари бошқарув мактаби, ҳўжалик юритиш мактаби, коммунизм мактаби бўлиб қолиши лозим, деган ғояларни амалий равишда мужассамлаштириб турибди. Активларни ўқитишга ва тарбиялашга, уларга зарур ёрдам ва мадад беришга кўпроқ эътибор қилиниши лозим.

«Каршистрой» территориал бошқармаси ташкилотларида ишлаб турган 26 минг касаба союз аъзоси партия XXVI съезднинг Қарши даштини ўзлаштириш юзасидан ўртага қўйган вазифаларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Бошқарма бирлашган қурилиш комитетининг раиси **М. Ражабов** чўлқуварларнинг таваббуслари тўғрисида гапириб, учта трест ўн битта кўчма механизациялашган колонна, 32 та бригаданинг коллективлари 240 нафар ишлаб чиқариш илғори СССРнинг 60 йиллиги куни-гача уч йиллик плани бажариш ташаббуси билан майдонга чиққанликларини айтди. Ҳозир 30 та бригада смена экипаж 1983 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Қурилиш касаба союз комитетлари уй-жой, мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари ишга туширилишини, чўлқуварларга маданий хизмат қилинишини контроль остига олган.

Бухоро область касаба союзлари Советининг раиси **Д. Х. Алимов** касаба союз комитетларининг фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган бир қанча масалаларга тўхталиб ўтди. Қабул қилинган қарорларнинг ижроси устидан контролликни кучайтириш, меҳнат коллективларида ташкилотчилик ишига кўпроқ эътибор бериш энг зарур вазифадир. Область касаба союз комитетлари қабул этилган қарорларни бажаришга доимий ишлаб чиқариш кенгашлари фаолиятини бирмунча яхшиладилар.

Ўрток Алимов бир қанча истаклар билдирди. Унинг фикрича, министрликлар ва идоралар ўзларига қарашли корхоналарнинг қишчиларини коркома билан таъминлаш тўғрисида яхшироқ ғамхўрлик қилишлари керак. Бухорода тўқимачилар учун ёрдам йилар, колхозлараро санаторий-профилакторий, пионер лагери ва истироҳат зонаси қуриш учун ер участкаси ажратиш тўғрисидаги масала тезроқ ҳал этиб берилиши лозим. Қишлоқ ҳўжалиги ва тайёрлов ишчилари ҳамда хизматчилари касаба союзи республика комитетининг раиси **М. Р. Раззоков** ҳозир ўз сафларида икки миллиондан кўпроқ кишини бирлаштириб турган қишлоқ касаба союз ташкилотларининг катта имкониятлари тўғрисида гапирди. Колхозчиларни касаба союз сафига қабул қилиш пахта ва дон, гўшт, сут, ёғ ва фермаларнинг бошқа маҳсулотларини етиштиришни янада кўпайтириш, колхоз ва совхозларда комплекс механизацияни тезроқ жорий этиш учун мусобакани ривожлантиришга ёрдам беради. Озиқ-овқат программасини амалга оширишда касаба союзларининг ролини кучайтириш имконини яратди. Касаба союз активлари КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленуми қарорларини бажара бориб, мураббийлик ҳаракатини кенгайтирмоқдалар: тажрибали механизаторлар, мелиораторлар, чорвачилик усталари ўз тажрибаларини ёшларга ўргатмоқдалар. Касаба союзлари комсомол ташкилотлари билан бирга-ликда касбдошларнинг конкурсларини ўтказмоқдалар. Ҳозир кўкламги экишга намуналі гайёргарлик кўришга ва чорва қишловини ўтказишга кўп эътибор берилмоқда. Нотиқ озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириши маҳсулотларини ташиш, ташкилотлар ва муассасаларга қарашли ёрдамчи хўжаликлар сингари резерви тўғрисида касаба союзлари кўпроқ ғамхўрлик қилишлари керак, деб ҳисоблайди.

Фарғона область, Ленинград районидаги Ҳамза номли совхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи **Т. Жўраева** қишлоқ хўжалиги ходимларининг турмуши ва меҳнатида касаба союз нақадар катта роль ўйнаётгайлиги тўғрисида гапиради. Бу хўжаликда ССР Иттифоқи тузилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақа кенг қулоч ёзди. Ҳозир касаба союз ташкилоти меҳнат мусобақасини оператив равишда якунлаш соҳасида актив иш олиб бормоқда, кўкламги дала ишларига ҳозирлик кўришда юксак натижага эришганларнинг тажрибасини оммалаштирмоқда. Пахтакорлар бу йилги мавсумда юксак марраларни белгилаганлар. Масалан, Т. Жўраева бошчилик қилаётган бригада 60 центнерлик «оқ олтин» ҳосили учун курашмоқда. Ана шундай бир шароитда касаба союз активларининг бутун кучи техникани сифатли ремонт қилишга, умумий ишдаги қонкрет вазифани ҳар бир деҳқон онгига етказишга қаратилган.

Халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини оширишга, жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга қаратилган тадбирларнинг кенг системасида социал страхованиени такомиллаштириш муҳим ўрин олади, деб уқтиради Сурхондарё область касаба союзлари Советининг раиси **Т. М. Менглиев**. Социал страхованиега жуда катта маблағ ажратилмоқда. Чунончи, кейинги беш йил ичида Сурхондарё областида шу мақсадга 78 миллион сўм сарфланди. Ажратилган маблағ ҳисобидан ҳар йили 5,5 мингдан кўпроқ меҳнаткаш ўз сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлямоқда. Касаба союз комитети ишчиларнинг ҳордиқ чиқариб келмоқда. Касаба союзлари ишчи ва хизматчиларга медицина хизмати кўрсатилиши устидан контроллиқни кучайтиришлари, соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда меҳнаткашларга даволаш-профилактика ёрдами савиясини оширишлари керак. Ишлаб чиқаришдаги меҳнат шароитларини яхшилаш йўли билан касалликлар сабабли иш вақтининг зое ўтишини камайтириш керак. Область касаба союзлари болаларнинг дам олишини ташкил этиш билан якиндан шуғуллана бошладилар.

Главташкентстройга қарашли 1-Тошкент уйсозлик комбинатининг бригадири Социалистик Меҳнат Қаҳрамони СССР Давлат мукофотининг лауреати **И. Х. Орипов** сўз олади. У бир қанча мисоллар келтириб, хўжалик ҳисобининг меҳнатни бригада усулида ташкил этишнинг афзалликларини кўрсатади. Ўрток Орипов бошчилик қилаётган коллективда барча ишчиларнинг турдош ихтисослари эгаллаб олганлар. Бу эса бекор туришни кисқартириш, меҳнат унумдорлигини ошириш имконини бермоқда. Меҳнатни бригада усулида ташкил этиш ёшларни тарбиялашга ташаббускорликни ривожлантиришга ёрдам бермоқда.

Бизнинг бригадамиз — аҳил бир оила — дейди фахрланиб бригадир қурувчи. Биз яхши ишлашни ҳам, чиройли ҳордиқ чиқаришни ҳам биламиз. Оила аъзоларимиз билан бирга театрларга кинога борамиз, шаҳар ташқарисига чиқиб, истироҳат қиламиз. Ўртоқларим қишмоқдалар, актив жамоат ишни олиб бормоқдалар.

Нотиқ қурувчилар қийин шароитларда меҳнат қилишларини уқтириб ўтади, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш касаба союзларининг бурчидир. Аммо «Главленинградстрой» ташаббуси ҳозирча яхши жорий этилмаяпти. Бу ташаббус қурилиш майдончаларини ошхона, душхона, медицина пунктларсиз, жиҳозланган махсус вагончалар билан таъминлашни кўзда тутади. Қурилишга овқат келтириладиган контейнерлар етишмаслиги сабабли Белоруссия қурувчиларининг умумий овқатланишни ташкил этиш соҳасида тўпланган тажрибаси яхши йўлга қўйилмаган.

Ўзбекистон ССР социал таъминот министри **С. У. Султонова** партия ва ҳукумат қарорлари амалга оширилиши натижасида меҳнат ветеранларининг, Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва катнашчиларининг, кўп болали оилаларнинг турмуш шароитлари қандай яхшиланаётганлигини гапириб берди.

Ҳозирги вақтда социал таъминот тор тармоқ характерида эмас. Унинг ривожини республика областлар, шаҳарлар районлар миқёсида комплекс планлаштириш катта аҳамият касб этмоқда. Социал таъминотнинг аҳоли учун масъул бўлган давлат органларининг ҳаракатларини, уларнинг касаба союзлари билан мустаҳкам алоқасини мувофиқлаштириб олиб бориш лозим. Бу соҳада кўп иш қилинмоқда. Аммо ҳали камчиликлар ҳам борки, уларни тезроқ тугатиш керак. Касаба союзлари пенсионерларни ишга жойлаштиришда, интернат-уйларнинг ишини яхшилашда, бошқа бир қанча масалаларда социал таъминот органларига ёрдам беришлари лозим.

«Средазтрансгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба союз комитетининг раиси **А. М. Жўракина** коллектив шартномаларнинг катта аҳамиятини уқтириб ўтади. Бирлашма касаба союз комитети икки томонлама мажбуриятлар аник бажарилишига ҳаракат қилмоқда. Шу туфайли, жумладан, хўжалик раҳбарларининг меҳнат тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши учун, меҳнат шароитларини ва техника хавфсизлигини яхшилаш учун масъулияти ошмоқда. Касаба союз комитети билан маъмурият ишлаб чиқариш ходимларининг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини тўла-тўкис қондиришга интилмоқдалар, уй-жой, маиший шароитларни яхшилаш учун, савдо хизматида тартиб ўрнатиш, мактабгача тарбия муассасаларини кенгайтириш, ишчилар яшайдиган посёлкаларни ободонлаштириш учун муайян тадбирларни амалга оширмоқдалар. Юз ўринли санаторий-профилакторий пионер лагери ва бошка кўпгина социал, маданий-маиший объектлар барпо этилди.

Ишлаб чиқариш ходимларини гўшт, сут, сабзавот ва мева билан таъминлаш учун бирлашмада кўп тармоқли «Факель» совхози ташкил этилган. Компрессор станциялари ҳузурида иккиламчи ёқилғидан фойдаланадиган теплицалар қурилган.

Самарадорлик ва сифат учун, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун, фан ва техника ютукларини ишлаб чиқаришга тезроқ жорий этиш учун кураш — касаба союзлари системасида иш кўрувчи илмий-техника жамиятларининг бурчидир. Республика илмий-техника жамиятлари советининг раиси **Т. Р. Рашидов** шу жамиятлар фаолиятининг самарали натижалари тўғрисида гапирди.

Фан-техника жамоатчилигининг кўмаги билан биринчи бор Ватанимиз метро қурилиши тажрибасида Тошкент метрополитени тоннеллари ва станцияларининг зилзилабардош конструкциялари яратилди. Ер ости иншоотларининг сейсмодинамика назарияси эндиликда магистрал қувурлар, электр станцияларнинг турли системаларини, Байкал-Амур магистрали объектларини лойиҳалаш ва қуришда қўлланилмоқда. Машинасозларнинг илмий-техника жамияти бошланғич ташкилотлари илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан боғланишини мустаҳкамлаб «Узбексельмаш» ва «Ташхимсельмаш» заводларида йирик габаритли пластмасса деталлар тайёрлашни йўлга қўйишга ёрдам берди. Мана шу янгиликнинг ўзи 300 тоннадан кўпроқ зангламайдиган пўлатни тежаш, штампловчилар, пайвандчиларни ва буёкчиларни оғир меҳнатдан халос қилиш имконини берди. Тошкент агрегат заводининг фан-техника жамоатчилиги «Янги техника — ижодкор бригадаларга», «Оғир меҳнат — механизмлар зиммасига» шиорлари остидаги ҳаракатни кучайтириб юборди. 150 тадан кўпроқ серунум агрегат ва махсус станок ўрнатилди. «Таштекстильмаш» ва «Ташсельмаш» заводлари конструкторлари, технологлари, илғор ишлаб чиқариш ходимларининг инженерлик фикри кўкин металлургияни кенг қўллашишга қаратилган.

Кейинги олти йил ичида илмий-техника жамиятлари ҳаммаси бўлиб ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга кўмаклашдиган 80 мингтадан ортиқ тавсия ишлаб чиқди.

Сирдарё область Ильич районидаги «Правда» газетаси номидаги совхоз директори **А. Н. Қаюмов** ўз нутқини касаба союзларининг чорвачиликни интенсив ривожлантириш вазифаларини ҳал этишдаги иштирокита бағишлайди. Ишчилар комитети хўжалик дирекцияси ва партия ташкилоти билан биргаликда ишчилар, бригадалар, бўлимлар ўртасидаги мусобақани кенгайтирмоқда, юксак мажбуриятларини иш билан мустаҳкамлаётган кишиларни маънавий ва моддий рағбатлантиришга интилмоқда.

Ҳар йили 14—15 минг тонна пахта, 1300—1400 тонна дон ва бошка деҳқончилик маҳсулотлари топшираётган совхозда ҳозир катта ферма бор. Бу ерда кўп миқдордаги қорамол билан биргаликда 600 бош чўчка, 300 бошдан кўпроқ қўй, 7 мингта якин парранда боқилмоқда. Бу ердагилар қуён ва асалари боқишга ҳам киришдилар.

Энг муҳими шуки, чорвачилик узлуксиз ривожланмоқда, унинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари ўсиб бормоқда. Мусобақада пешқадамлик қилаётган энг яхши сут соғувчилар ҳар бош сигирдан йилига 4—4,5 минг литр сут соғиб олмоқдалар. Якинда инкубатор қурилди. Ошхоналар, касалхоналар, болалар боғчаси, санаторий-профилакторий гўшт, сут, тухум билан таъминланмоқда.

Самарқанд область касаба союзлари Советининг раиси **М. Х. Ҳасанова** қилинган ишларни таҳлил этиб, илғор тажрибани, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳак тўлашнинг янги илғор формаларини кенг оммалаштириш муҳимлигини алоҳида уқтириб ўтади. «Гелион», «Красний двигатель», «Кинап», лифтсозлик заводларида касаба союзининг кўмаги билан ягона наряд асосида маҳсулот ишлаб чиқарадиган бригадалар тузилди. Қурилишлардаги бундай бригадалар жами иш ҳажмининг ярмидан кўпроғини бажармоқда. Бу тажриба қишлоқ хўжалигида ҳам қўлланилмоқда.

Касаба союз ташкилотлари халқ депутатлари советлари ва халқ контроли органлари билан биргаликда меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, кадрларнинг кўнимсизлигини кискартиришга доир тадбирларни амалга оширмоқда. Бу соҳада жамоат кадрлар бўлими, ўртоқлик судларининг фаолияти ижобий натижалар бермоқда.

Область касаба союзлари Советининг раиси маданий-оммавий ишни ташкил этиш масалаларига тўхталиб, министрликлар ва идоралар клуб муассасаларини, пионер лагерларини, спорт базаларини маблағ ва асбоб-ускуналар билан яхшироқ таъминлаш кераклигини уқтириб ўтади.

Коллективдаги муҳит яхшилигини сезиб турсанг, партиямиз, ҳукуматимиз, касаба союзларимиз меҳнат аҳли тўғрисида нақадар зўр ғамхўрлик қилаётганликларини кўриб турсанг, ишинг ҳам юриша берар экан, дейди Андижон машинасозлик заводининг токари **Г. И. Захарова**. Деярли ҳар куни дугоналаримдан бирон бир янгилик эшитаман: Уларнинг бири квартира олган, иккинчиси боласини уйи яқинида жойлашган янги болалар боғчасига ўтказган, учинчисининг ўғли олимпиадада ғолиб чиққан. Фақат ўн биринчи беш йилликда заводимиз коллективи учун 320 ўринли пионер лагери, санаторий-профилакторий, каттагина болалар комбинати қурилди. Буларнинг ҳаммаси — тасодифий, бир-бирига алоқасиз фактлар эмаслиги диққатга сазовордир. Уларнинг барчаси бирга қўшилиб, бизда ишлаб чиқилган областни социал-иқтисодий ривожлантириш планининг рўёбга чиқарилаётганлигини кўрсатади. Бу планни бажаришга касаба союзлари ҳам ҳисса қўшмоқда.

Мана шуларнинг ҳаммаси, эркин ва бахтиёр мамлакатимиздаги ишчи инсон эга бўлиб турган фахрланаётган нарсаларнинг ҳаммаси ғарбдаги душманларнинг инсон ҳуқуқларини химоя қилиш байроғи остида Советларга қарши авж олдириб юборган туҳмат кампанияси-ни чил-ҳарчин қилади. Фақат социалистик тузумгина инсоннинг ҳақиқий ҳуқуқларини таъминлашга қодир эканини тарих тажрибаси яққол кўрсатиб турибди. Биз, совет ишчилари бизда ҳамма ҳуқуқлар бор деб айта оламиз. Аммо бизнинг битта ҳуқукимиз йўқ, яъни ёмон ишлаш ҳуқуқи бизга берилмаган. Бизнинг виждонимиз, совет кишисининг, улуғ социалистик Ватанимиз гражданининг шон-шарафи бунга йўл қўймайди.

Ўзбекистон ССР мева-сабзавот хўжалиги министри **О. А. Алимов** қуйидагиларни таъкидлайди. Касаба союзлари тармоқни тез ривожлантириш, мева, узум, сабзавот, картошка, сут ва гўшт етиштиришни кескин кўпайтириш билан боғлиқ бўлган проблемаларни амалий ҳал этишда фаол иштирок этмоқдалар. Тармоқнинг ихтисослаштирилган совхозларида ва корхоналарида социалистик мусобақа оммавий тус олди. Мингминглаб меҳнатчилар қабул қилган юксак мажбуриятларда топшириқларни анча ошириб бажариш кўзда тутилган. Кўпгина ёш совхозларнинг касаба союз ташкилотлари ишчиларнинг ва инженер-техник ходимларнинг ижодий ташаббускорлигини ривожлантириш максадини кўзламоқдалар, уларда партия билан ҳукумат ўртага қўйган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун юксак масъулият туйғусини тарбиялямоқдалар. Ўтган йилнинг ўзида касаба союзлари раҳбарлигида иш кўраётган доимий ишлаб чиқариш кенгашлари 1800 та новаторлик таклифини киритдилар, шу таклифларнинг 70 проценти ҳозиргача жорий этилди, натижада каттагина самара олинди.

Совхозларнинг ва корхоналарнинг раҳбарлари кадрларнинг мустаҳкамланиб қолишига интилиб, касаба союзлари билан ҳамкорликда уйжой, маданий-маиший объектлар қурилиши кўламини кенгайтирмоқдалар.

Наманган область касаба союзлари Советининг раиси **М. Э. Эгамбердиев** КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Меҳнаткашларнинг санаторий-курортларда даволаниши ва дам олишни янада яхшилаш ҳамда касаба союз шифоналари тармоғини ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини партиямизнинг меҳнаткашлар дам олиши ва соғлиги тўғрисидаги эътибори ҳамда ғамхўрлигининг янги ифодаси, деб таърифлайди.

Наманган областида минг ўринли «Чортоқ» санаторийси ишлаб турибди, янги санаторий-профилакторий қурилди, Косонсойда оналар ва болалар учун санаторий барпо этилмоқда. Барча районларда оммавий дам олиш зоналари вужудга келтирилган. Спорт ташкилотларининг моддий базаси анча мустаҳкамланди. Катта стадион, велотрек, ихтисослаштирилган гимнастика зали, уч залли спорт комплекси қуриб битказилди.

Область касаба союз ташкилотлари ўз ишларида бир талай камчиликлар борлигини англаб туришибди. Улар КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленуми қарорларига, Ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларига асосланиб, ўзларининг бутун фаолияти савиясини оширишга сабот билан ҳаракат қилмоқдалар.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **Э. Ғ. Ғафуржонов** съезд делегатларининг эътиборини касаба союзлари билан комсомол ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш муҳимлигига жалб қилади.

Ўтган йил бошларида комсомол Марказий Комитети, Узсовпроф халқ контроли комитети ҳамда «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» газеталарининг редакциялари билан биргаликда «Ҳамма жойда ва ҳар бир ишда тежамкор бўлайлик» шиори остида жамоатчилик кўригини авж олдириб юборишдилар. Ҳозирдаёқ 120 та оммавий рейдлар ўтказилди, бу рейдлар кўпгина ёқилғи, электр энергиясини тежаш, кўп миқдордаги темир-терсакни ортиб жўнатиш имкониятини берди.

Республика экономикасини интенсив ривожлантириш ҳунар-техника таълим системасида малакали кадрлар тайёрлашни анча кенгайтиришни, бўлажак ишчиларни ўқитиш ва тарбиялаш, ҳунар ўргатиш таъсирчанлигини ошириш соҳасидаги ҳамма ишларни такомиллаштиришни тақозо этди. Бунда комсомол ҳам, касаба союзлари ҳам кенг фаолият майдонига эгадирлар. Уларнинг қоғозда эмас, балки амалда билим юрти ҳар бир талабасининг яхши мураббийси бўлишига эришишдан иборат муштарак юмушлари бор.

Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, янгийўлликларнинг «Орамизда биронта ҳам қолоқ бўлмайди» шиори остидаги ташаббусини оммалаштириш экономиканинг каттагина резервларидан биридир. Баъзи корхоналарда прогул ва кечикиб келишлар сабабли иш вақти жуда кўп зое кетаётганлиги, кадрлар қўнимсизлигига йўл қўйилаётганлиги ташвишлантирмай ололмайди. Ана шу камчиликларни бартараф этиш учун кўп нарса тўғрисида-тарбиявий ишнинг сифати ҳақида ҳам, ҳар бир меҳнат коллективида зарур микроиқлимни, ҳақиқатдан ҳам жонли, ижодий муҳитни вужудга келтира билиш тўғрисида ҳам, ишчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатишнинг аҳволи ҳақида ҳам ўйлаш керак. Разряд бериш, ишда кўтарилиш каби муҳим масалалар ёшларнинг социалистик мусобақада, касб маҳорати конкурсларида иштироки билан мустаҳкам боғланиши лозим. Серунум меҳнатнигина эмас, шу билан бирга топширилган ишга виждонан муносабатда бўлишни ҳам бутун чоралар билан рағбатлантириш керак.

Комсомол Марказий Комитети Узсовпроф билан биргаликда ётоқхоналардаги сиёсий-тарбиявий ишларни яхшилаш соҳасида сабот билан шуғулланмоқда. Ўтказилган рейдлар Нукус, Бухоро, Андижон, Гулистондаги, Тошкентнинг Куйбишев районидаги ётоқхоналарда меҳнаткаш ёшларнинг турмуши, дам олиши ва ўқиши учун тегишли шарт-шароитларни таъминлашда жиддий камчиликларни аниқлади.

Маданий-оммавий, физкультура - соғломлаштириш ишларини такомиллаштириш, агитация-бадиий коллективларга оталик қилиш, оммавий спортни ривожлантириш учун касаба союзлари билан биргаликда кўп иш қилиш керак бўлади.

Жиззах область касаба союзлари Советининг раиси **А. Н. Нормуродов** ҳозирги пайтда жуда катта қурилиш майдонига айланиб қолган қўрик области касаба союзларининг ишини анализ қилади. Бу ерда қўл урилаётган, куч, тажриба ва билим намоён қилинадиган жойлар оз эмас. Ҳозир областда 50 дан кўпроқ йирик корхоналар, социал, маданий ва маиший объектлар барпо этилмоқда. Қишлоқ хўжалиги интенсив ривожлантирилмоқда, партия XXVI съезднинг қарорларига биноан Жиззах даштини ўзлаштиришга доир катта ишлар олиб борилмоқда.

Ўн биринчи беш йилликда ўн ва ундан кўпроқ йиллик топшириқларни бажариш мажбуриятини қабул қилган ишлаб чиқариш илғорларидан ўн беш кишининг ва энг яхши ўн беш қурувчининг ташаббусини учиздан кўпроқ ишчи қўллаб-қувватлади. Мирзачўл районидаги Абай номли совхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи Р. Маматова, Пахтакор районидаги Ульянов номли совхоз пахтачилик бригадасининг раҳбари Х. Рустамова ҳамда механизаторларнинг энг юкори меҳнат унумдорлигига эришиш ҳаракати ташаббускорлари бўлиб майдонга ниққан бошқа илғорлар области муносиб равишда шон-шуҳрат қозонишган. Кўпгина колхозчилар, совхозларнинг ишчилари ва ирригаторлар улардан ўрнак олиб меҳнат қилмоқдалар.

Мавжуд резервлардан тўла-тўкис фойдаланилган тақдирда мусобақани ташкил этишдаги муваффақиятлар бундан ҳам кўпроқ салмоқли бўлур эди. Далаларнинг ҳосилдорлигини ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш борасида зўр кўч-ғайрат билан ишлашга тўғри келади. Бригада пудрати ҳали сust жорий этилмоқда, кўл меҳнатининг улуши жуда каттадир.

Янги санаторий-профилакторийлар барпо этиш область учун актуал проблема. Бу ердаги мавжуд минерал сув манбаларидан, шифобахш балчиқдан, ажойиб табиий иқлим шароитларидан яхшироқ фойдаланиш керак.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари **С. О. Азимов** сўзга чиқади. Адабиёт ва санъат, дейди у, совет кишисининг ижодий кўч-кувватлари энг кўп даражада тўлиқ намоён этилишига актив кўмаклашиши зарур. Халқ олдидаги масъулиятини ҳис этган санъаткорнинг адабиёт ва санъатнинг бутун имкониятларини бунинг учун сафарбар эта олади.

Ёзувчилар асарларининг ғоявий йўналишига партия бефарқ қарамаслигини ва бефарқ қарай олмаслигини ёзувчилар биладилар. Ўзбекистон адиблари социалистик турмуш тарзига оид асарлар яратиш борасида катта ишларни қилишлари керак. Бу — кечиктириб бўлмайдиган вазифаларимизнинг бири бўлиб, шу вазифани ҳал этишда биз ғоясизлик, дунёқарашдаги чалкашлик, айрим тарихий воқеаларга аниқ синфий баҳо бермаслик кўринишларига қарши сабот билан курашамиз.

Ҳозир совет халқлари миллий муносабатларини ривожлантиришдаги, интернационал бирлигидаги янги жиҳатларни анализ қилиш ва бадиий тасвирлаш катта аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон адабиёти ва санъати арбоблари коммунизм сари олиб борадиган порлоқ йўлдан бундан буён ҳам ишчилар синфи билан бирга қадам ташлаб бориш учун ҳамма ишни қиладилар.

Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг студенти **М. Хусанова** делегатларни Ўзбекистон студентларининг кўп минг кишилик армияси номидан табриклайди. Институтнинг кўп қиррали ҳаётила, дейди у, барча масала студентлар касаба союз комитетининг иштирокида ҳал этилади. Институт касаба союз комитети комсомол ташкилоти билан биргаликда студентлар ўртасида «Бугунги билимлар сифати — келгусидаги самарали меҳнат гарови» шиори остидаги ҳаракатни авж олдириб юборди. Бу ташаббусни институт ректорати билан партия комитети қўллаб-қуватлади. Ёшлар ҳам юқори малакали педагоглар, коммунизм бинокорларининг келгуси авлодлари тарбиячилари бўлиш учун аъло ўқишга интилмоқдалар.

Партия ва ҳукумат олий мактаб тўғрисида, студентларнинг ўқиш ва дам олиш шароитларини яхшилаш ҳақида доимо зўр ғамхўрлик қилмоқдалар. Бўлғуси педагоглар қулай ётоқхоналар, профилакторийлар, ошхоналар учун сидқидилдан миннатдордирлар. Биз спорт-соғломлаштириш лагерларида дам олиш, марокли туристик маршрутлар бўйлаб сафарлар қилиш имкониятига эгамиз.

Аммо студентлар зўр бериб ўқиш ва яхши дам олиш билангина чекланиб қолмайдилар. Улар қурилиш отрядларида зарбдорларга меҳнат қилмоқдалар, мўл ҳосилни йиғиб-териб олишда пахтакорларга кўмаклашмоқдалар. Бу уларнинг иродасини чиниктиришга, меҳнатга коммунистик муносабат руҳини камол топтиришга ёрдам бермоқда.

ВЦСПС секретари **А. В. Викторов** ўз нутқида КПСС XXVI съезди талаблари, Ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари асосида ишларни такомиллаштириш борасида касаба союзларининг вазифалари тўғрисида гапирди.

Съезд бир овоздан қабул қилган резолюцияда КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезднинг, КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумининг қарорларини амалга ошириш учун курашда, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун, шу йилги ва умуман ўн биринчи беш йиллик планлари ҳамда юксак мажбуриятлари сўзсиз бажарилиши учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдиришда республика касаба союзлари бутун фаолиятини янада активлаштириш тадбирлари белгиланган. Съезд Ўзбекистон касаба союзлари партия органлари раҳбарлигида коммунистик партия XXVI съезди режаларини, Ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари ва тавсияларини амалда рўёбга чиқаришга, мамлакатимизда коммунизм қурилишига бутун кучларини сарфлайдилар, деб партия ва ҳукуматга, ВЦСПСга ваъда берди.

Съездда Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг, Ўзбекистон касаба союзлари ревизия комиссиясининг янги состави сайланди.

Съезд делегатлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневга гулдурос қарсаклар остида табрикнома қабул қилдилар.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон касаба союзлари XII съезднинг мажлислар залида.
Б. Юсупов ва В. Кавелин фотоси. (ЎзТАГ).

ОРЗУНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

ЛАВҲА

Орзусиз инсон йўқ. Ҳамма ҳаётда маълум бир мақсад билан яшайди, маълум бир орзуни байроқ қилиб, унга етиш учун бутун куч-қудратини, тафаккурини ишга солади. Тожихонда сут соғувчи бўлиш нияти ўша Ушинский номли 24-мактабда ўқиб юрган кезлари туғилган эди. Саккизинчи синфда ўқирмиди, мактабдан бўш вақтларида опаси Нортожи Темирова билан фермага борар. оппоқ сутнинг челакларга шовуллаб тушиши, бидонларнинг янги соғилган «оқ чашма» билан тўлдирилиб, машинада шаҳарга жўнатилишини зўр мароқ билан кузатарди. Унинг назарида қишлоқда кундалик ҳаёт гўё сут соғувчиларнинг ишга келиши, уларнинг зўр иштиёқ билан сигир соғишга киришишлари билан бошланадигандек туюларди.

Бир куни синф раҳбари Рустам Акбаров улардан қайси касбга қизиқишларини сўраб қолди. Ҳамма ҳар хил жавоб берди. Кимдир колхозчи, кимдир учувчи бўлишни орзу қилар экан. Бири олим бўлиш истагини билдирса, бошқа бири ўқитувчиликни хоҳларди. Навбат Тожихонга келди.

— Қани, сиз-чи, синглим, — деди ўқитувчи одати бўйича охистагина.

— Менга сут соғувчилик ёқади, чорвачилик фермасида ишласам, — деди у шаҳт билан.

Бир зум синф сув сепгандек жим бўлиб қолди. Кейин кимдир пиқ этиб кулди, баъзилар унга ажабланиш билан қараб қолишди.

— Ўтиринг, — деди Рустам ака Тожихонга. Кейин кулган бола томонга назар ташлади. — Жуда тўғри ўйлабсиз. Чорвадор бўлиш ниҳоятда фахрли касб. Шаҳар меҳнаткашларига, ишчи ва зиёлиларга сут етказиб бериш билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Касбнинг яхши-ёмони йўқ. Лекин гап уни ардоқлашда.

Орада қанча сувлар оқиб ўтди. Тожихон мактабни битирди. Опаси кетидан эргашиб чорвачилик фермасига келди, иш ўрганиб озми-кўпми эътибор тоғди.

Ким бирданига ҳаётда парвоз қилибди дейсиз. Тожихон ҳам касбга аста-секин кўникди. Дастлабки йили ҳар бир сигирдан аранг 3 минг килограммдан сут соғиб олган бўлса, йил сайин рақамларга барака кириб борди. Ўтган йили бокимидаги 36 говмишнинг ҳар бири ҳисобига 5000 килограммга етказиб сут топшириди.

Киши тақдирини ўзи яратади. Тожихон бу гапнинг замирида жуда катта маъно борлигини яхши билади. Инсон қаерда бўлмасин, нима иш қилмасин ҳамма нарсага тўғри, оқилона муносабатда бўлиши зиммасидаги вазифани сидкидилдан, ҳалол бажариши лозим. Тожихон ўн беш йиллик сут соғувчилик фаолиятида ўз касбига юксак меҳр-муҳаббатини намоён этиб келмоқда. Уни ардоқлаш учун меҳнатини, кунларини аяётгани йўқ.

Яқинда у ишлаётган Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхоз фермасида янги иш тажрибасини оммалаштиришадиган бўлиб қолишди. Бу янгилик бўйича сигирлар соғувчиларга бириктирилмас, умумий қилиб бокилар экан. Боқиш ҳам умумий, соғиш ҳам умумий. Ким қайси участкада меҳнат қилаётганлигининг аҳамияти камайди. Озуқа беришда маҳсулдорлик инобатга олинмади. Сут соғимида пастга кетиш рўй берди. Аммо ҳеч ким бу тажрибанинг ҳозирги шароитда колхоз учун манфаатли эмаслигини кўтариб чиқишга ботинолмас эди. Шунда Тожихон Мирзаева колхоз раиси, ўзининг собиқ ўқитувчиси Рустам Акбаровнинг ҳузурига шахт билан кириб борди.

— Рустам ака, — деди у ҳаяжон билан, — олдингизга бир фикр билан келдим. Очиғини айтадиган бўлсам янги иш тажрибаси бизнинг чорвачилик фермамиз учун тўғри келмаяпти. Балки у ўша тажриба бошланган жойда яхши самара бергандир. Лекин бизда, менимча, одамларда ишга бўлган масъулиятни камайтирди. Баъзи ишга ихлоси йўқ, тепса тебранмас кишилар ишни бутунлай ўз ҳолига ташлаб қўйишяпти. Шахсан ўзим ҳар бир сигирдан ўртача икки килограммдан кам сут соғиб оляпман.

Тожихон жангари характерли сут соғувчи эмасми, у ўз кузатишларини раисга ҳисоб-китоблар билан тушунтирди. Аввалги тартибга қайтиш ҳақидаги фикрга кўндирди.

Бугунги иш натижалари Тожихон Мирзаеванинг фикрлари тўғри эканлигини кўрсатмоқда. Колхозда сигирлар соғувчиларга бириктириб берилганидан кейин сут оқими кескин кўпайди. Тожихоннинг ўзи ҳар бир говмишдан 14 ўрнига эндиликда 15—16 килограммдан сут соғиб олмоқда.

Тожихоннинг чорвачиликка бўлган меҳри яна бир масалада ўзини намоён этди. Нега пахтачиликда оилавий экипажлар ташкил қилиш мумкину, чорвачиликда бу масалага эътибор билан қаралмайди. У шофер бўлиб ишлаётган умр йўлдоши Асатиллани ҳол-жонига қўймади. Чорвадорликнинг шоферликдан нима камлик жойи бор. Ишни қойил қилаётганларнинг обрў-эътибори жойида. Меҳнат қилган ҳамма ерда ҳам азиз. Олаётган маошимиз эса сизникидан кам эмас, деб туриб олди. Уни фермага чорлади Беш йил бўлдики, Тожихон Асатилла билан бирга, ёнма-ён ишлаяпти. Умр йўлдоши пешкадам молбоқарлардан бўлса, у донгдор сут соғувчи, область Советининг депутати, учинчи даражали «Меҳнат шуҳрати» ордени кавалери.

Тожихон Мирзаева юксак марраларни кўзлаяпти. Улар мусобақадоши Санобар Исматова билан биргаликда ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида 5500 килограммлик маррани ният қилишган. Ҳаракатчан, меҳнатсевар сут соғувчи коммунист Тожихон Мирзаева бу маррани ҳам зафт этиши шак-шубҳасиздир.

С. МУҲИДДИНОВ.

Суратда: Тожихон Мирзаева.

А. Тўраев фотоси.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

КОЛУМБИЯДА НАШР ЭТИЛДИ

Колумбиядаги «Сура мерикана» нашриёти Леонид Ильич Брежневнинг «Эсдаликлар» китобини босиб чиқарди.

Колумбия Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари Хильберто Виейра китобга ёзган сўз бошисида ленинча иш услуби, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан дунёда биринчи социалистик давлат асосчиси васиятларига садоқат ўртоқ Л. И. Брежневнинг ҳаёти ва фаолиятига хос ҳусусият эканини таъкидлайди.

Бу китоб, деб ёзади у, бутун дунёда тинчлик учун, демократия ва реал социализм учун курашни янада активлаштириш омили бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Бизнинг мамлакатимизда Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Кўриқ» асарлари босилиб чиқанидан кейин орадан сал вақт ўтгач, бу китобни ҳам нашр этиш ғояси пайдо бўлди, дейди «Сурамерикана» нашриётининг директори Луис Вилья Мариа Торрес. Биз «Эсдаликлар»ни нашрга тайёрлашда аввало Колумбия жамоатчилиги кенг табақаларининг совет халқи турмушига, совет жамиятининг қарор топиш ва ривожланиш жараёнига зўр қизиқишини эътиборга олдик.

Л. И. Брежневнинг янги китоби ҳам мамлакат сиёсий ва иктимоий доираларининг катта эътиборига сазовор бўлишига ишончимиз комил.

БОГОТА.

(ТАСС).

ФРАНЦИЯ КОМПАРТИЯСИНИНГ СЪЕЗДИДА

ПАРИЖ, 4 февраль. (ТАСС махсус мухбирлари). Франция Коммунистик партиясининг Париж яқинидаги Сент-Уэн шаҳарчасида ўтказилаётган XXIV съездида ФКП Бош секретари Ж. Марше партия Марказий Комитети номидан доклад қилди.

ФКПнинг съезди, деди у, мутлақо янги сиёсий вазиятда ўтмоқда. Бизнинг зиммамизда илгари мавжуд бўлмаган анчагина катта масъулият турибди. Бу масъулият партиямиз ролининг ўзидан келиб чиқади, чунки биз меҳнаткашлар партиясимиз, социал ўзгартишларни ҳаётий нарса деб билувчилар партиясимиз. Биз — Франция учун социализм партиясимиз. Кейинги йилларда рўй берган кескин сиёсий ва мафкуравий қураш туфайли янги вазият вужудга келди. Ўтган даврда партия сайловда жиддий муваффақиятсизликка дуч келди. Рўй берган воқеанинг сабаблари ва сабоқлари съезд арафасида ўтказилган батафсил мунозара пайтида синчиклаб таҳлил этилди.

Сўнгра Ж. Марше Франциянинг социализм сари қилаётган ҳаракати билан боғлиқ масалаларга тўхталди. Франция Компартияси XXIV съездининг резолюция лойиҳасида бу масалага равшан жавоб берилган, деб таъкидлади у. Докладда француз жамиятининг кейинги ўн йилликлардаги ривожи таҳлил этилди. Фан-техника тараққиётининг шак-шубҳасиз ютуқлари меҳнаткашларга енгиллик бермади, балки, аксинча, уларнинг малакаси оммавий равишда пасайишига олиб келди. Ишлаб чиқаришнинг ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши меҳнат шароитларини яхшилаш ўрнига, эксплуатацияни кучайтиришга кўмаклашиши одат тусига кириб қолди. Оммавий ахборот воситалари, жумладан телевидение кўп жиҳатдан афкор оммани чалғитиш, бемаъни хабарлар тарқатиш, фикрларни сийқалаштириш ва ётсираш кайфиятини кучайтириш қуроли бўлиб қолди. Ҳозирги вақтда француз оилаларининг 10 проценти миллий бойликнинг 60 процентига эга бўлиб турган бир пайтда оилаларнинг ярмиси ҳиссасига миллий бойликнинг атиги 5.5 проценти тўғри келмоқда. Францияда қашшоқлик асло тугатилгани йўқ, социал тенгсизлик эса тобора ошкора кўриниб қолмоқда. Франция жамияти бошидан кечираётган кризиснинг реаллиги мана шундан иборат. Бу — капиталистик системанинг кризиси, деб таъкидлади докладчи. Капиталистик жамият социал ривожланишнинг қўйган проблемаларини ҳал этишга мутлақо лаёқатсиз эканини кўрсатмоқда. Бу — ялпи кризис бўлиб, унинг ярамас гирдобидан бошқа жамият қуриш йўли билангина қутулиш мумкин.

Бизнинг мақсадимиз, дейилади докладда, жамиятни тубдан ўзгартиришдан, ҳамма соҳаларда эксплуататор капитални тугатишдан иборат. Шундай қилиб гап, шиддатли синфий кураш тўғрисида, тўнғиш нашувлар ҳақида бормоқда, бу тўқнашувда ўзгартишларнинг душманлари алдамчилик қилиш, йўлдан оздириш, пўписа қилиш, нифоқ солиш учун ҳеч нарсадан қайтмаяптилар. Бизнинг кураш йўлимиз сўл кучларнинг иттифоқи, ФКП билан социалистик партия ўртасида битим йўли ҳамдир, бу йўл иккала партия ўртасида хамкорлик ўрнатиш ва сўнгра бу ҳамкорликни ҳукуматда қарор топтириш имконини берди.

Франциянинг ташқи сиёсати, деб ўқтирилади докладда, тинчлик, мустақиллик, хавфсизлик, демократия ва барча давлатлар учун адолат принципларига асосланиши лозим. Кейинги йилларда империализм халқаро миқёсда найрангбозлик ва туҳматчиликдан иборат катта кампанияни авж олдириб юборди.

Америка капитализми ва халқаро капитализм ташқи сиёсатда халқларнинг кризисни демократик йўл билан ҳал этиш истиқболини ёпиб қўйишга, уларнинг озодликка, социализмга чиқиш йўлини тўсиб қўйишга интилмоқда.

Қуролсизланиш соҳасида зудлик билан реал қадамлар қўйиш зарур: қучларнинг мавжуд нисбати шароитида ўртача олисликка учадиган ракеталар, барча ядровий қуроллар сонини чеклаш ва қисқартириш керак, деди сўзини давом эттириб докладчи. Ҳамма мамлакатларда нейтрон қурол тақиқлаб қўйилиши лозим.

Ж. Марше ФКПнинг социалистик мамлакатлардаги қардош партиялар билан бирдамлигига алоҳида тўхталиб ўтди.

Синфий кураш, деди сўнгра докладчи, бутун дунё миқёсида давом этмоқда. Бу курашда социалистик мамлакатлар биринчи даражали роль ўйнамоқдалар. Ўзларининг дунёдаги салмоғи ва нуфузи билан уруш оловини ёқувчиларнинг ядро авантюраси қўллашига тўсқинлик қилмоқдалар. Социалистик мамлакатларнинг саботли кучғайратлари туфайли халқаро муносабатларда тинч-тотув яшаш қарор топди. Улар тинчлик гаровидирлар. Айни вақтда халқлар социалистик мамлакатлар билан иқтисодий, савдо, илмий, маданий алоқаларни ва ҳамкорликни ривожлантиришдан фақат манфаат кўрмоқдалар. Ниҳоят, бу давлатлар Ер юзида олиб борилаётган озодлик курашининг, жумладан миллий-озодлик йўлидаги курашнинг таянчидирлар.

Сўнгра Ж. Марше Франция Компартиясининг бошқа капиталистик мамлакатлардаги Компартиялар кураши билан, демократияга, халқлар тинчлиги ва озодлигига интилаётган барча кучлар билан, аввало, миллий озодлик ҳаракатлари ва ривожланаётган мамлакатлардаги тараққийпарвар кучларнинг ҳаракатлари билан бирдамлигига тўхталиб ўтди.

Докладчи сўзининг охирида ички партиявий иш вазифалари ҳақида гапирди.

1981 йилнинг охирида Франция Компартияси сафларида 710 мингдан кўп аъзо бор эди, деди у. Бу — озодлик давридан бери энг юқори кўрсаткичдир.

* * *

Франция Компартиясининг съезди ўз ишини давом эттирмоқда. ФКП Сиёсий бюросининг аъзоси, ФКП Марказий Комитетининг секретари М. Гремец 112 қардош коммунистик ва ишчи партиянинг, тараққийпарвар ва миллий озодлик харакатларининг француз коммунистлари анжуманида ҳозир бўлган вакилларини Франция Компартиясининг раҳбарлари номидан, съезд делегатлари ва мамлакатнинг барча коммунистлари номидан табриклади.

Съездда ФКП Марказий Комитетининг доклади юзасидан музокаралар бошланди.

П. КОНОВАЛОВ,
О. ШИРОКОВ.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

РИМ. Италия матбуоти миллий федерациясининг чақириғига мувофиқ журналистлар — газета ва информация агентликларининг ходимлари 24 соатлик ялпи забастовка эълон қилдилар. Улар нашриётлардан иш ҳақининг оширилиши ва меҳнат шароитининг яхшиланишини кўзда тутувчи янги коллектив шартномалар тузиш тўғрисида қайта музокаралар олиб боришни талаб қилмоқдалар.

Забастовка муносабати билан Италияда газеталар чиқмайди. Давлат ва йирик хусусий радио ва телекомпаниялларнинг журналистлари ҳам ишни тўхтатиб қўядилар.

ЛУАНДА. Ангола пойтахтида ўрта бўғин медицина ходимларини тайёрлайдиган марказ очилди. Бу ерда анголаликлар билан бирга Мозамбик, Гвинея-Бисау, Сан-Томе ва Принсипи вакиллари ҳам ўқийдилар.

ТОКИО. Токиода бўлиб ўтган норозилик митинги қатнашчилари — Окинава деҳқонлари «Ерларимизни ҳарбий базалар учун бермаймиз!», «Йўқолсин ҳарбий мақсадлар учун ерларни тортиб олиш планлари!» шиорлари ёзилган резолюцияни якдиллик билан қабул қилдилар. Митинг ўз ерларини АҚШ ҳарбий базалари ва Япония ўз-ўзини мудофаа кучлари учун беришни истамаётган Окинава деҳқонларининг курашини қўллаб-қувватлаётган демократик ташкилот ташаббуси билан ўтказилди.

ЖЕНЕВА. Бу ерда қуролсизланиш конференциясининг сессияси бошланди. Сессия кун тартибида ялпи ва тўла қуролсизланиш муаммолари, шунингдек қурол-яроғларнинг айрим турларини чеклаш ёки тақиқлаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш билан боғлиқ бир қанча муҳим масалалар бор.

КАНБЕРРА. Австралия шахтёрларининг кўмир ҳафталик забастовкаси ғалаба билан тугади. Забастовкачилар иш ҳақини ошириш тўғрисидаги ўз талабларининг қондирилишига эришдилар. (ТАСС).

«МАМЛАКАТНИ МИЛИТАРЛАШТИРИШГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙМИЗ!»

ТОКИО. (ТАСС мухбири). Токионинг «Сэйнэн кайкан» залидаги жуда катта транспарантда «Меҳнаткашларнинг турмуш шароити яхшилансин!», «Мамлакатни милитарлаштиришга йўл қўймаймиз!», «Ядро қуроли тақиқлансин!» деган шиорлар ёзиб қўйилган. Бугун бу ерда Япония касаба союзлари бош кенгашининг 65-навбатдан ташқари съезди очилди.

Мамлакатдаги энг йирик касаба союз марказининг 4,5 миллион аъзоси номидан вакил бўлган 600 дан кўпроқ делегат меҳнаткашларнинг анъанавий баҳорги юриши программасини қабул қилиш учун бу ерга келди. Программа лойиҳасида уруш хавфига қарши, ҳукмрон доираларнинг конституциядаги урушга қарши қоидаларни кайта кўриб чиқиш режаларига қарши курашни кучайтириш зарурлигига алоҳида эътибор берилган.

Бунинг учун касаба союзларининг бош кенгаши бошқа демократик ташкилотлар билан ҳамкорликда ядро қуролини тақиқлаш хитобномасига 10 миллионта имзо тўплаш юзасидан бутун мамлакатда кампания бошлаб юборишни белгиламоқда.

Съезд делегатлари муҳокамасига тақдим этилган ҳужжатда либерал-демократик партия ҳукумати ишлаб чиққан 1982 йилги давлат бюджети лойиҳасида ҳарбий ҳаражатларга устунлик берилганлиги, бу ҳаражатлар 7,75 процент кўпайганлиги кўрсатиб ўтилади. «Буларнинг ҳаммаси, деб таъкидлайди ҳужжат муаллифлари, социал таъминот учун ва халқнинг бошқа эҳтиёжлари учун ажратилган маблағларни камайтириш ҳисобига килинмоқда».

Баҳорги кураш программасида ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи оширилиши, аҳолининг меҳнаткаш табақаларидан олинадиган солиқлар камайтирилиши учун оммавий юришлар ўтказиш кўзда тутилади.

Г. ГАВРИЛЕНКО.

УРУШ ХАВФИНИ ДАФ ЭТИШ — БОШ ВАЗИФА

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Социалистик интернационал қуролсизланиш Маслаҳат кенгаши вакилларини қабул қилган вақтда баён этиб берган ва жаҳон уруши хавфини даф этишга қаратилган янги конкрет тинчлик таклифлари халқаро жамоатчилик ва матбуотининг диққат марказида турибди. Турли мамлакатларнинг таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, матбуот шуни таъкидламоқдаларки, КПССнинг XXVI съезди белгилаб берган принципиал ташқи сиёсат йўлини давом эттираётган СССР съезд қабул қилган Тинчлик программаси қоидаларини бундан буён ҳам конкрет ташаббуслар билан бойитиб, уруш хавфини камайтиришга, тинчликни мустаҳкамлашга, кескинликни юмшатишни чуқурлаштиришга азму қарор берган.

◆ УЛАН-БАТОР. Совет Иттифоқи кескинликни юмшатишга астойдил бел боғлаганини, етилган халқаро проблемаларни ҳал этишга амалий равишда ёндашишини бутун дунё олдида яна бир бор намойиш этди, деб ўқтиради **Монцамэ** агентлиги. Халқаро жамоатчилик Л. И. Брежнев таклифини СССРнинг тинчликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги, кескинликни юмшатишни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш ҳақидаги зўр ғамхўрлигининг яна бир ифодаси деб баҳоламоқда.

◆ ПАРИЖ. **«Юманите»** газетаси бундай деб ёзади: Л. И. Брежнев Совет Иттифоқининг тинчликсеварлик сиёсатини Американинг агрессив сиёсатига қарамақарши қилиб қўйиб, СССРнинг ташқи сиёсат борасидаги куч-ғайратлари тинчлик ишига хизмат қилаётганини таъкидлади. Совет раҳбари Европадаги ядро қуролларига доир музокараларни тўхтаб қолган нуқтасидан қўзғатиш имконини берадиган янги таклифларни таърифлаб берди.

◆ ЛОНДОН. Англияда чиқадиган **«Гардиан»** газетасининг ёзишича, совет раҳбари Л. И. Брежнев Москвада сўзлаган нутқида: дипломатия «тугун тугишни» эмас, балки «тугунни ечишни» талаб қилади. Ҳозирги дунёдаги можароли вазиятлар ва низоли муаммоларнинг чигаллашиб кетган жумбоғини ҳеч қандай қилич билан чопиб ташлаб бўлмайди, деб айтди. Мулоқот, музокаралар йўли — тинчликни мустаҳкамлашнинг бирдан-бир йўлидир.

◆ НЬЮ-ЙОРК. Л. И. Брежнев Қўшма Штатларни Европадаги ядро қуролларини чеклаш тўғрисида Женевада ўтказилаётган Совет—Америка музокараларида ўзаро мақбул битимга келиш асосини қидиришни мутлақо истамаётганлиги учун айблади, дейилади **Эй-Би-Си** телекомпаниясининг шарҳида. Москва иккала томон — Шарқ ва Ғарбнинг Европадаги объектларни нишонга олиб турган ўртача олисликка учувчи қуролларининг ҳамма турларидан батамом воз кечиш тўғрисида ҳозирнинг ўзидаёқ келишиб олишга тайёр эканини билдирди.

◆ ТОКИО. Л. И. Брежневнинг ўртача олисликка учадиган ядро қуролини қисқартиришнинг конкрет программасини ва уни амалга ошириш муддатларини кўзда тутувчи янги таклифлари Совет Иттифоқининг тинчлик юришида олдинга қўйилган муҳим қадамдир, деб таъкидлайди **«Асахи»** газеси.

◆ ДЕҲЛИ. Совет Иттифоқи Европадаги ядро қуролларини қисқартириш тўғрисидаги Совет — Америка музокараларида силжишга эришиш манфаатлари йўлида қўйишга тайёр бўлган қадамларни равшан белгилаб берувчи конкрет планни илгари сурди, деб таъкидлайди **«Хиндустан таймс»** газетаси. (ТАСС).

Америка Қўшма Штатларининг ғарбий германиялик иттифоқчиларини «совет хавфи» билан қўрқитишга қилган уринишларига қарамай, Совет Иттифоқи билан ГФР ўртасида совет газини юбориш ҳақидаги битим имзоланди. АҚШ бунга жавобан химиявий урушга тайёргарликни кучайтириб юборди.

(Газеталардан).

Тинчлик гази ва уруш гази...

Б. Жуков расми.

ҚЎКЛАМ ТАРАДДУДИ

◆ **МЕЛИОРАЦИЯ ОТРЯДЛАРИ**

Қўрғонтепа районидаги Ҳамза номли совхозда мелиорация отрядлари тузилган. Улар шу кунларда қизғин иш олиб бормоқдалар.

Совхознинг мелиорация отрядида бешта звено бор. Бу звеноларнинг ҳар бирида қудратли бульдозерлар, скреперлар, ер текислайдиган машиналар мавжуд. Отряд куз-қиш даврида 600 гектар майдонни реконструкция қилиши керак. Бульдозерчилардан Турсунбой Тўрғунов, Турсунбой Омонов, Ҳолдор Йўлдошевлар зарбдорларча меҳнат қилишиб, норматни бир ярим-икки баравар адо этмоқдалар.

— Беш йилликнинг охиригача совхознинг бутун майдонини реконструкция қилиш, коллектор ва ариқларнинг муттасил ишлаб туришини таъминлаш, — дейди мелиорация отрядининг бошлиғи Шамсиддин Исломов, — бизнинг асосий вазифамиздир. Бу эса хўжаликка пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш имконини беради.

◆ **ЭНГ ЯХШИ УРУҒЛИК**

Олтиариқ ва Риштон районларининг колхоз ва совхозлари беда уруғлигини одатдагидан бир ой илгари экишга тахт қилиб қўйдилар. Уруғликнинг ҳаммаси биринчи ва иккинчи классларга қабул қилинди. Уруғлик лабораторияси шароитида текширилиб, унинг тозалиги ва нави текширилди, касаллик ва зараркунандалардан сақловчи препаратлар билан уларга ишлов берилди.

Уруғликни экишга тайёрлаш чоғида беданинг ўтган йилги баҳорда иқлимга мослаштирилган «Тошкент-1728», «Тошкент-3192» серҳосил навларига катта эътибор берилди.

Фарғона областидаги бошқа хўжаликлар ҳам беда уруғлигини экишга тайёрлашни ниҳоясига етказмоқдалар. Алмашлаб экишни жорий этиш схемаси ишлаб чиқилди. Бу йўл билан беда зорларни олти ю з гектарга кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Бу эса областдаги чорвачилик фермаларини тўйимли озуқа билан совуклар бошлангунча қўшимча равишда таъминлаб туриш имконини беради. (ЎзТАГ).

ҚИШЛОВ—СИНОВ

КОМСОМОЛ ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН

Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли колхознинг Маҳматмурод Нормуродов бошлиқ сут-товар фермасига яқинда комсомол йўлланмаси билан ўндан зиёд йигит-қиз келди. Уларнинг кўпчилиги сут соғувчи бўлиб ишлаш истатини билдириб, хўжаликнинг илғор соғувчиси, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати София Худоёровага шогирд тушди. Илғор чорвадор С. Худоёрова ўз ёрдами ва қимматли маслаҳатларини ёшлардан аямаётир. У ёшларга сигирларни механизмлар ёрдамида соғиш сирларини ҳам ўргатмоқда.

Бўлғуси соғувчилардан Назира Раҳимова, Пардахол Тўраева, Мамлакат Норовларнинг қўли сут соғишга келиб қолди. Соғиш аппаратларини бенуқсон ишлата бошлаган қизлар ўз боқимларидаги 10—15 бош сигирнинг ҳар биридан 3,5—4 минг килограммдан сут соғиб олиш иштиёқида меҳнат қилмоқдалар.

Қашқадарё область комсомол ташкилотлари яқинда «Чорвачилик — зарбдор фронт!» деган, шиор остида 2 минг йигит-қизни чорвачилик фермаларига юборишта қарор қилган эди. Ҳозиргача бир ярим минг йигит-қиз комсомол йўлланмаси билан колхоз ва совхозларнинг чорва фермаларига ишга боришди. Улар қаторида сут соғувчилар, молбоқарлар, механизаторлар, слесарь ва электрик касбидаги ёшлар бор.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

«ЧОРТОҚ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ БИРИНЧИ СОНИ

Наманган областида янги ташкил этилган Чортоқ район партия комитети ва халқ депутатлари район Советининг органи — «Чортоқ ҳақиқати» газетасининг биринчи сони чиқди. «КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга!» — газетанинг ички бетларидаги материаллар ана шундай умумий сарлавҳа остида ёритилган. Район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири А. Ўринбоев, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи А. Тиллабоев, Навоий номли колхоз бригадири, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Мавлуда Тўхтабоеваларнинг материалларида съезд қарорлари ҳаётга қандай тадбиқ этилаётгани, жойларда СССР 60 йиллиги юбилейи шарафига авж олдириб юборилган социалистик мусобақа тўғрисида ҳикоя қилинган. Газета саҳифаларида меҳнаткашларнинг хатларига ҳам кенг ўрин берилган.

«Эркин дунё» қиёфаси

РЕКОРДЛАР ЙИЛИ

Германия Федератив Республикасининг 600 минг гектар майдони ҳарбийлар иҳтиёрига бериб қўйилган. 350 дан ортиқ шаҳар ва жамоаларда бир батальонгача бўлган миқдорда аскарлар жойлашган. Бундесвернинг 4 мингта база ва полигони бутун мамлакатга тарқалган. Шу хил объектлардан яна 1900 тасини барпо этиш мўлжалланмоқда.

1981 йил ГФР тарихида ўзига хос рекорд йили бўлди. Башарти «Мовий Дунай» деб номланган 1978 йилги кузги машқлар мамлакатга 22 миллион маркага тушган бўлса, ўтган йилги натта ҳарбий машқлардан, дастлабки маълумотларга қараганда, экономика камида 100 миллион марка зарар кўрди.

Ҳарбий бюджет бобида ҳам рекорд қўйилди. Утган йили шу мақсадлар учун 64,1 миллиард марка ажратилган эди. Бу йил эса бюджет яна 4,3 миллиардга кўпайтирилди. Бошқача қилиб айтганда, ғарбий германиялик ҳар бир немис ҳарбий харажатлар учун 1330 марка тўламоқда. Бу ҳам рекорд!

БОЙВУЧЧАНИНГ ИНЖИҚЛИГИ

АҚШ президенти Жон Кеннедининг хотини эрининг вафотидан кейин Аристотель Онасис деган бадавлат грекка турмушга чиққани ўз вақтида роса шов-шув бўлганди. Яқинда Жаклин Онасис бир фотографни судга берди. У бойвуччанинг хонимга ниқи метрча яқин бориб, суратга олган экан. Фотограф Рон Галелла Америка судининг фоторепортёрларга президент рафиқасига 8 метрдан, болаларига эса ўн метрдан яқин келиб сурат олишни ман этган қарорини бузганлиқда айбланмоқда.

ДУРДОНАЛАР СЕҲРИ

ТОШКЕНТДА, ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИДА ТРЕТЬЯКОВ ГАЛЕРЕЯСИ АСАРЛАРИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН КЎРГАЗМА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Москвада бўлган киши Третьяков галереясини кўрмасдан, томоша қилмасдан қайтмайди. Чунки, Москва деганда тасаввур қилинадиган нафосат даргоҳларидан бири худди шу қутлуғ масканди.

Санъат фидойилари — ака-ука П. М. ва С. М. Третьяковлар томонидан ташкил этилган, рус ва мамлакатимиздаги барча қардош халқлар тасвирий санъатининг энг яхши намояндалари ижоди билан бойитилган Третьяков галереяси ҳозирги вақтда мамлакатимиздагина эмас, балки бутун дунёда машҳур. Унга қўйилган асарларнинг мазмуни, юксак бадиий савияси, энг муҳими, нафосати минглаб, миллионлаб кишиларни мафтун этаётир, уларни илҳомлантирмоқда, мўйқалам ушлаган томошабинларни эса, янада завқ билан, янада масъулият билан изланишга, ижод қилишга даъват этаётир.

Ана шу машҳур музей галереяси асарларидан ташкил топган кўргазманинг Тошкентда очилиши катта воқеа бўлди. Кўргазмани томоша қилар эканмиз, ажойиб картиналарнинг авторлари рус ва ўзбек тасвирий санъати алоқаларини мустаҳкамлашда нечоғли муҳим роль ўйнаганлиги ҳақида ўйлаймиз. Ҳа, рус ва ўзбек тасвирий санъати алоқалари илдизлари олис-олисларга бориб тақалади. Масалан, ўтган асрнинг сўнгги чорагида рус рассомлари — реалистлар ва демократлар қуёшли республикамизда бўлишиб, қатор асарлар ишладилар. В. В. Верешчагин Самарқандининг бутун жаҳонга машҳур тарихий ёдгорликларига янгидан сайқал берди. Рассом ўзининг Туркистон этюдлари кўргазмаларини Ғарбий Европадагина эмас, балки Шимолий Америкада ҳам муваффақиятли намойиш қилди. Н. Каразин, М. Микешин, А. Бенуа, А. Шусев, К. Коровин, С. Юдин, С. Дудин, И. Казаков, Ф. Рубо, Н. Симаков, С. Святовславский, Л. Буре, П. Никифоров, В. Розвадовский ва бошқа ўнлаб рассомлар Ўзбекистонда бўлишиб, яшаб картиналар яратдилар. Айни вақтда бу ерда эндигина ўз ижодлари билан кўзга ташланиб келаётган ёшларга яқиндан ёрдам бердилар. Юртларига қайтиб боришгач, Ўзбекистон, Ўрта Осиё республикалари тасвирий санъати ютуқларини кенг тарғиб қилишди.

Россиядан келган мўйқалам усталари, шунингдек, украин, арман рассомлари Ўзбекистонда тасвирий санъат билан шуғулланадиган бадиий таълимни ривожлантиришга ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар. Янги санъат мактабларининг ўқув программалари Ўрта Осиё халқларининг бадиий маданияти меросини ўрганишга қаратилди. Бу соҳада ҳам рус рассомлари, санъатшунослари алоҳида активлик, ташкилотчилик ва жонкуярлик кўрсатишди. Биз бугунги кунда муваффақиятли ижод қилаётган, ажойиб асарлари билан мамлакатимиздагина эмас, балки бутун дунёга машҳур мўйқалам усталаримиз ижодининг шаклланишида ана шу қардошлик, дўстлик ва ҳамкорликнинг ёрқин самараларини кўрамиз.

Рус ва ўзбек тасвирий санъати алоқалари ҳозирги кунда фахрланса арзигулик даражада равнақ топган. Рассомларимизнинг бир-бири билан яқиндан қилаётган ўзаро алоқалари, ҳамкорликлари, тажриба алмашиб туришлари икки халқ маданиятининг янада камол топишида муҳим роль ўйнаётир. Агар биз сўнгги йилларда яратилган картиналарга назар ташлайдиган бўлсак, уларда интернационализм мавзуи алоҳида бўртиб кўринади. Бу ҳам олис тарихга эга бўлган қардошлик алоқаларининг ажойиб самарасидир.

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида намойиш этилаётган асарлар XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида ижод қилинган асарлардир. Кўргазма асарлари замондошларимизни, айниқса, ёшларимизни интернационализм руҳида тарбиялашга хизмат қилади, ёш рассомларни қутлуғ анъаналарга ҳурмат билан қарашга даъват этади. Бу асарлар айни вақтда музейга келувчиларнинг жаҳондагч бошқа халқлар ҳаёти, тарихи ва маданияти билан яқиндан танишишларида кўмаклашади. Машҳур галерея асарларидан ташкил топган кўргазма ўзбекистонлик ёш рассомлар учун ўзига хос мактаб. Тасвирий санъатимизнинг навқирон авлоди ўз вақтида Ўзбекистон санъатининг шаклланишига яқиндан ёрдам берган рассомлар картиналаридан, портретларидан, натюртмортларидан кўп нарса ўрганмоқдалар.

Кўргазмада рус ҳайкалтарошлик санъатидан ҳам ажойиб намуналар бор. Мен бу ўринда А. Голубкина, П. Трубецкая, С. Коненков, А. Матвеев, Н. Андреев, В. Домогацкий ишларини мамнуният билан таъкидлаб ўтаман.

Третьяков галереяси асарлари кўргазмаси замондошларимизни, хусусан, ёшларимизни эстетик тарбиялашда катта хизмат вазифасини ўтаётир. Бу кўргазманинг ташкил этилишини мамнуният билан қайд этар эканмиз, у рус ва ўзбек рассомларининг ўзаро ижодий алоқа ва ҳамкорликларини янада мустаҳкамлашида, келгусида янги-янги, бир-бирига ўхшамаган, бутунлай оригинал асарлар яратилишида ўзига хос илҳом манбаи бўлиб қолишига ишонамиз.

Р. ТОҚТОШ,
санъатшунослик доктори.

Суратда: Третьяков галереяси асарларидан ташкил этилган кўргазма залида.

В. Казанцев фотоси.

СОЛДАТ МАКТУБЛАРИ

ТЕХНИКА ИХЛОСМАНДИ

Мухторали Раҳимов Ўзбекистон районидаги Маяковский номли мактабда ўқиб юрганидаёқ механизаторликка қизиқарди. Ўқишни битиргач, «Ғаниобод» совхозида очилган 6 ойлик механизаторлар тайёрлаш курсига кириб ўқиди. Сўнгра Абдужалил Банноев бошлиқ бригадада меҳнат қилди.

Ҳозир Мухторали армия сафида хизмат қилмоқда, ҳарбий қурувчилар ўз касбига меҳр қўйган бу йигитни ишчанлиги учун ҳурмат қиладилар. Мухторали Раҳимов қурилиш материалларини объектга ўз вақтида етказиб бериб, кунлик топшириқларнинг ортиғи билан бажарилишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

М. Миҳаҳмедов.

ҚУРУВЧИЛАР САРДОРИ

Армия сафига яқинда чақирилганига қарамай, Тожиали Маматқўзиев қисқа фурсат ичида солдатлар ўртасида обрў-эътибор қозонди.

Тожиали Олтиариқ районидаги 22-ўрта мактабни битиргач, Марғилон шаҳар қурилиш техникумига ўқишга кирди. Бинокорлик касбини эгаллаб, Олтиариқ районидаги механизациялашган кўчма колоннада ишлай бошлади. Армияга чақирилгач, ўрганган ҳунари жуда қўл келди. Сержант Тожиали Маматқўзиев бинокорлар бўлинмасига бошчилик қилиб, Муҳиддин Сатторов, Олим Отаҳулов, Одил Нуъмонов, Қодир Мўминов каби жуда кўп ёш қурувчиларга ўз касби сирларини меҳр билан ўргатди. Ҳозир старший сержант Т. Маматқўзиев бўлинмаси СССРнинг 60 йиллиги шарафига солдатлар мусобақасида пешқадамлик қилмоқда.

Ю. Соттиев.

* * *

Она-Ватан олдидаги йигитлик бурчини шараф билан ўтаётган, топшириқларни мунтазам ошириб бажараётган ўзбекистонлик солдатлар, уларнинг кундалик ишлари тўғрисида **Ғайратжон Ҳидиров, Абдулла Сайфуддинов, Карим Мақсудов, Самад Юсупов** ва бошқа ўртоқлар ҳам редакцияга хабар йўллаганлар.

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

МЕН СИЗДАН ДАВО ТОПДИМ...

Дунёда шундай касб эгалари борки, уларни ҳар қанча эъзоз, ҳар қанча ҳурмат қилинса кам. Афсуски, баъзан уларнинг қадрига бошинг ёстиққа текканда, старкансан киши. Аҳволим оғирлашиб, Сирдарё область шифохонасининг иккинчи хирургия бўлимига олиб боришгани кечагидек ёдимда. Умрингдан барака топгур Ирисбой деган жарроҳ уч маротаба операция қилиб, мени нақ ўлим чангалидан қутқариб қолди. Оғриқ азобидан кечаларни бедор ўтказган пайтларимда унинг ўзи тез-тез хабар олиб, кайфиятимни кўтариб турди. Бемор учун бундан ортиқ даво бўлмаса керак. Шундай кезларда, назаримда, халоскорининг ширин сўзию ҳамиша кулиб боқувчи самимий қиёфаси ҳам ҳар қандай дардга даводек туюлади.

Улуғ Ватан урушида нене жангу жадалларни кўрмадим. Ҳаётимда кўп кишилар билан учрашганман, суҳбатда бўлганман. Бироқ И. Давронов сингари касбини ҳаётининг асосий мазмуни, деб билган, ўзгалар саломатлиги, қувончини ўз манфаатидан устун қўйган кишиларни кам учратганман. Менимча, дили, қалби, кўнгли эгнидаги халатидек оқ бўлган барча шифокорлар шундай бўлишлари керак. Дунёда ана шундай ажойиб инсонлар борлигидан, улар билан бирга яшаётганимдан мамнунман.

О. САИДОВ,
Улуғ Ватан уруши ветерани.

Сирдарё область.
Ворошилов райони.

Расул МУҲАММАДИЕВ

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети журналистика факультети партия-совет матбуоти назарияси ва практикаси кафедрасининг профессори, республиканинг кекса журналисти, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, 1940 йилдан КПСС аъзоси Расул Муҳаммадиев 4 февралда тўсатдан вафот этди.

Расул Муҳаммадиев 1911 йилда Қўқон шаҳрида ишчи оиласида туғилди. 1927 йилда у Фарғона педагогика техникумига ўқишга киради. Ўқиш йилларида ишчи-кишлоқ мухбири сифатида ёшлар матбуоти саҳифаларида актив қатнашади. Кўп ўтмай «Ёш ленинчи» газетасининг ходими бўлди. Кейинчалик «Ёш ленинчи», «Қизил Ўзбекистон» газеталари редакцияларида, «Большевистик матбуот» журналида ишлайди.

Ёш коммунист, журналист Р. Муҳаммадиев Улуғ Ватан урушининг биринчи кунлариданоқ фронтга жўнайди, у олдин ҳарбий мухбир, сўнгра «Совет жангчиси» газетасининг редактори бўлади. Совет Армияси Бош сиёсий бошқармасининг матбуот секторида ишлайди. Р. Муҳаммадиев жанговар хизматлари учун Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган эди.

Урушдан кейинги йилларда Р. Муҳаммадиев партия ва совет ишларида, матбуот органларида ишлади.

1955 йилдан Р. Муҳаммадиев педагогик ишга ўтади. 1962 йилда кандидатлик диссертациясини ёқлайди ва 1975 йилдан буён партия-совет матбуоти назарияси ва практикаси кафедрасининг профессори эди.

Расул Муҳаммадиев Ўзбекистон матбуоти назарияси ва тарихи бўйича катта илмий тадқиқот ишларини олиб борди. У ўзбек совет публицистикаси, ўзбек халқ оғзаки ижодиёти проблемалари бўйича бир канча китобларнинг автори эди.

Матбуотни ривожлантиришдаги хизматлари ва илмий педагогик фаолияти учун Р. Муҳаммадиев «Ҳурмат Белгиси» ордени, республика Олий Совети Президиумининг Фахрий ерлиқлари билан мукофотланган эди.

Республикамиз кекса журналисти ва педагогининг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

БИР ГРУППА ЎРТОҚЛАРИ.

СПОРТ

БОКС:

ИККИНЧИ УЧРАШУВ

Америка чарм қўлқоп усталари билан СССР терма командаси ўртасида Москвада ўтказилган анъанавий халқаро учрашувдан кейин боксчилар Ленинградга йўл олган эдилар. Бу ерда ҳар иккала команда состави бирмунча ўзгартирилган ҳолда норасмий ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Бу сафар океанорти боксчилари 6:4 ҳисобида устун келишди. АҚШ командасидан Р. Рентц, Д. Рамирес, Т. Рэбон, А. Мейес, Д. Уильямс ва У. Томпсонлар муваффақият қозондилар. Совет боксчиларидан В. Манукян, А. Петров, Б. Саградянлар рингдан қўл кўтариб чиқдилар. Мусобақада иштирок этган ангренлик мамлакат чемпиони Зойир Абдукодиров ҳам қизғин курашда зафар қучиб, мухлисларни мамнун этди.

СУЗИШ:

ФАХРЛИ ЎРИН

Тошкентда автомобиль транспорти ва йўллар олий ўқув юртлари сузувчилари ўртасида Бутуниттифоқ мусобақаси ўтказилди. Мовий йўлкаларда Москва, Харьков, Киев, Олмаота, Усть-Каменогорск ва Тошкент спортчилари ўзаро баҳслашдилар. Мусобақа якунида москвалик сузувчилар команда ҳисобида пешқадамлик қилишди. Киев ва Тошкент командалари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашди. Шахсий ҳисобда тошкентлик О. Шодибекова 200 метрга эркин усулда сузишда марра-гача 2 минут 28 секунд вақт сарфлаб, муваффақият қозонди.

ҲАФТАЛИК ТВ ПРОГРАММА

8—14 ФЕВРАЛЬ

8 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

Профилактика муносабати билан Марказий телевидение 1 программасининг 8 февраль кунги соат 9.00 дан — 17.50 гача бўлган кўрсатувларини 5-канал орқали кўринг.

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Хизматдош ошиқлар қиссаси. Бадиий фильм. 1 ва 2-серия лар. 12.10 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Оналар мактаби. 16.40 — Конькида югуриш бўйича жаҳон чемпионати. 17.05 — В. Шекспир. 17.50 — Ёшлар адреслари. 18.50 — Стадион барча учун. 19.20 — Концерт. 19.45 — КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга. 20.15 — Фигурали учиш. Европа чемпионати. 21.30 — Время. 22.05 — Фигурали учиш бўйича кўргазмали чиқишлар. 23.05 — Дунё воқеалари. 23.20 — Мўъжизасиз-мўъжизалар.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 12.05 — Фан оламида. 10.05 — Рус тили. 10.35 ва 11.35 — Физика. 11.05 ва 12.20 — АБВГДейка. 12.40 ва 13.50 — Ботаника. 13.00 — Илмий-оммабоп фильм. 14.10 — СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига 15.00 — А. Гайдар. Мактаб. 15.30 — Музика. 16.00 — Колхоз ҳуқуқи. 16.30 — Илмий-оммабоп фильм. 16.50 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Эркин кураш бўйича халқаро учрашув. 19.30 — Қишлоқ янгиликлари. 20.30 — Ҳайрли тун кичкинтойлар. 20.45 — Халқаро панорама. 21.30 — Время. 22.05 — Учувчилар. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 17.55 — Болалар учун кўрсатув. 18.35 — Мактаб ўқувчилари учун кўрсатув. 18.05 — Тошкент чинни заводидан репортаж. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ёшлик. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Бугун оламда нима гап? 22.20 — Ҳамма нарса одамларга қолади. Телеспектакль. 2-қисм.

ТОШКЕНТ-II. 18.30 — Телефильм. 18.50 — Олий математика. 19.50 — Оловларда туғилган. Ҳужжатли фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Биология. 20.50 — Ер ва эл. 21.30 — Москва-II.

9 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Меҳр қўллар. 10.10 — Киносаёҳатчилар клуби. 11.10 — Фильм-концерт. 12.10 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — СССР халқларининг музиқали фольклори. 16.35 — Қувноқ стартлар. 17.20 — Симфоник поэма. 17.40 — Ҳужжатли фильм. 18.30 — Концерт. 19.00 — Расмларда қуёш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Халқ оҳанглари. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.25 — Одам, қиёфасини ўзгартиради. Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Одам қиёфасини ўзгартиради. Бадиий фильм. 2-серия. 23.10 — Дунё воқеалари. 23.25 — Концерт.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 13.05 — Шахмат мактаби. 10.05 ва 12.05 — Француз тили. 10.35 ва 11.35 — Физика. 11.05 — Астрономия. 12.35 ва 13.35 — Физика 14.05 — Л. Толстойнинг бир куни. 15.05 — Умумий биология. 15.35 — Тарих 16.05 — Ботаника. 16.25 — Илмий-оммабоп фильм. 16.50 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Спорт ҳафталиги. 19.15 — Бўрон. Бадиий фильм. 20.30 — Ҳайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли фильм. 22.20 — Хоккей. Торпедо — ЦСКА. 23.00 — Концерт. 23.15 — Тўпли хоккей. Халқаро турнир.

ТОШКЕНТ-I. 18.05 — Мультфильм. 18.10 — Сўз кетидан сўз келар. 18.30 — Концерт. 19.10 — Миллионлар ленинча университети. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ижод гулшани. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.25 — Ҳамма нарса одамларга қолади. Телеспектакль. Биринчи қисм.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Қизиқарли математика. 18.40 — Телефильм. 18.50 — Физика. 19.50 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.50 — Эстетика асослари. 21.30 — Москва-II.

10 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — П. Чайковский 1-квартет. 10.10 — Одам қиёфасини ўзгартиради. Бадиий фильм. 1 ва 2-серия лар. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.10 — Горчичлар, қаердасиз! 16.40 — Д. Фурманов. Чапаев. 18.25 — Мультфильмлар 18.45 — Врач суҳбатлари. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Концерт. 19.50 — Академик В. Ремисло. 20.20 — Одам қиёфасини ўзгартиради. Бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Нима? Қаерда? Қачон? 23.25 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 13.10 — Оталар оналар, Сизлар учун. 10.05 ва 12.05 — Немис тили. 10.35 ва 11.35 — Астрономия. 11.05 — Жамиятшунослик. 12.40 — Ўчмас у қуйлар шуҳрати. 13.40 — География. 14.10 — Эльдорадони излаб 15.00 — Совет гасвирий санъатида тарихий революцион мавзу 15.30 — Табиатшунослик. 15.20 — Ўқув кўрсатуви. 16.20 — География. 16.50 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Концерт. 19.05 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 20.05 — Концерт. 20.30 — Ҳайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Мотоспорт. 21.15 — Халқ оҳанглари. 21.30 — Время. 22.05 — Менинг кўчам. Бадиий фильм. 23.20 — Волейбол. ЦСКА — «Локомотив». (Х).

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Дилдан қуйлаб, ўйна қувнаб. 12.30 — Кинопрограмма. 18.00 — Санъат муъжизалар мамлакатида. Гелетеатр. 18.45 — Акробатика. Ўзбекистон чемпионати. 19.10 — Экиш агрегатлари мавсумга шай бўлсин. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Фильм-концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Турмуш ва маданият. 22.40 — Думбил. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-II 18.10 — Биология. 18.40 — Телефильм. 18.50 — Математика. 19.50 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Реклама. 20.40 — Эстетика асослари. 21.20 — Кахетия ҳақида сўз. 21.30 — Москва-II.

11 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Горчичлар, қаердасиз! 10.10 — Одам қиёфасини ўзгартиради. Бадиий фильм. 3-серия. 11.20 — Концерт. 11.50 — Ишлаб чиқариш гимнастикаси. 12.20 — ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.25 — Шахмат мактаби. 16.55 — Биатлон бўйича жаҳон чемпионати. 18.05 — Ёзувчи Бирюков. 18.35 — Миллионлар ленинча университети 19.05 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фильм-концерт 19.50 — Фан оламида. 20.20 — Одам қиёфасини ўзгартиради. Бадиий фильм. 4-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Олам кинокамера кўзгусида. 23.10 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика 9.20 — Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 13.05 — Оналар мактаби. 10.05 ва 12.05 — Испан тили. 10.35 ва 11.40 — Физика. 11.00 — Илмий-оммабоп фильм. 11.10 — Тарих 12.35 ва 13.35 — В. И. Ленин Л. Толстой ҳақида. 14.05 — Илмий-оммабоп фильм. 14.25 — В. Розов драматургияси. 15.10 — Петрс. Бадиий фильм. 16.50 ва 18.30 — Янгиликлар 18.50 — Концерт. 19.00 — Сузиш бўйича СССР чемпионати. 19.30 — Киносаёҳатчилар клуби. 20.30 — Ҳайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Ҳозирги замон бешкураши. 21.30 — Время. 22.05 — Борск узра булутлар Бадиий фильм. 23.20 — Баскетбол. «Спартак» (Л) — «Спартак» (Мобл).

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Фонарик. 12.05 — Медея. Телетеатр. 18.05 — Мультфильмлар. 18.40 — Ёшлик. 19.10 — Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш — озиқ-овқат программасининг асоси. 19.30 — Ахборот. 19.40 — Илҳом. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ў. Саиджонов куйлайди. 21.30 — Время. 22.05 — Ниқобсиз сионизм. 23.00 — Бугун оламда нима гап? 23.15 — Фильм-манзаралар.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Телефильмлар. 18.50 — Назарий механика. 19.50 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Кинопрограмма. 21.00 — Отахонларим мактаби. Адабий театр. 21.30 — Москва-II.

12 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Ўсмирлар ижоди. 10.10 — Одам қиёфасини ўзгартиради. Бадиий фильм 4-серия. 11.20 — Ҳайвонот оламида. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб. 15.50 — М. Глинка Катта секстет 16.15 — Рус тили 16.45 — Москва ва москвиликлар. 17.15 — В. Затворницкий билан учрашув. 18.00 — Мультфильм. 19.00 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 20.25 — Одам қиёфасини ўзгартиради. Бадиий фильм. 5 серия. 21.30 — Время 22.05 — Концерт

МОСКВА-II 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Киножурнал. 9.35 ва 13.10 — Я. Купала поэзияси. 10.05 ва 12.05 — Инглиз тили. 10.35 ва 11.35 — География. 11.05 — Физика 12.40 — ва 13.40 — Тарих. 14.10 — Бил ва уддала. 14.55 — Сенин ленинча кутубхонанг. 15.25 — Умумий биология. 15.35 — Физика 16.25 — Илмий-оммабоп фильм. 16.50 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Илмий-оммабоп фильм 19.00 — Концерт. 20.00 — Сузиш бўйича СССР чемпионати. 20.30 — Ҳайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Дўстларимиз чеҳраси. 21.30 — Время. 22.05 — Учрашувга томон бир қадам. Бадиий фильм

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Болалар учун фильмлар. 11.55 — Фильм балет. 12.30 — Рус адабиёти. 13.00 — Замандас. 18.05 — Мультфильм. 18.20 — Биз рацета тушамиз. 18.40 — Илғор тажриба мактаби. 19.00 — Адабий альманах. 19.30 — Ахборот 19.45 — Телефильм. 20.00 — Инсон ва қонун. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Дунё воқеалари. 22.35 — Генерал Раҳимов. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-II 18.10 — Она тили. 18.40 — Ҳужжатли фильм. 18.50 — Физика. 19.50 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ўқитувчилар учун консультация. 20.50 — Телефильм. 21.00 — Авлодлар биографияси. 21.30 — Москва-II.

13 ФЕВРАЛЬ, ШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Концерт. 9.50 — АБВГДейка. 10.20 — Ота-оналар. Сизлар учун 10.50 — Одам қиёфасини ўзгартиради. Бадиий фильм. 5-серия. 11.55 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 12.25 — Спортлото. 12.30 — СССР кубоги. 13.00 — Концерт. 14.10 — Ихтиочилар конкурси 14.55 — Дунё воқеалари. 15.10 — Болалар учун фильм. 16.20 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 17.20 — Снёсий шархловчи В. П. Бекетов суҳбати. 17.50 — Ҳужжатли фильм. 18.40 — Ҳамдўстлик. 19.10 — Қадимий казаклар усулида. Фильм-спектакль. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. 23.25 — Тоғ чанги спорти бўйича жаҳон кубоги. 23.25 — Янгиликлар

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Агар соғлом бўлай десанг. 9.25 — Учрашувга томон бир қадам. Бадиий фильм. 10.40 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида 11.10 — Тонгги почта. 11.40 — Ҳужжатли фильм. 12.25 — Концерт. 13.10 — Телеспектакль. 14.45 — Енгил атлетика. СССР кубоги. 16.15 — Бугунги Литва. 15.25 — Ҳужжатли фильм. 15.50 — Концерт. 16.05 — «Адабий Литва» журнали ҳузурида мехмонда. 16.25 — Концерт 16.55 — Сузиш бўйича СССР чемпионати. 17.25 — Музикали киоск. 17.55 — Халқаро обзор. 18.10 — Концерт. 20.00 — Эрмитаж. 20.30 — Ҳайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Здоровье. 21.30 — Время. 22.05 — Эзги гастроллар. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Телеминиатюралар 10.55 — Инсон болаликдан бошланади. 11.25 — Сиҳат-саломатлик 11.55 — Асрлар ошган олим 12.30 — Қиёсий олма. Бадиий фильм. 13.50 — Ҳужжатли фильмлар. 14.20 — Шахмат мактаби. 18.05 — Мультфильм. 18.25 — Шоирлар — болаларга. 19.05 — Бадиий гимнастика Ўзбекистон биринчилиги. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Оламга саёҳат. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт.

14 ФЕВРАЛЬ, ЯКШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Будильник. 10.10 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.10 — Здоровье. 11.55 — Тонгги почта. 12.25 — Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан. 12.40 — — Қишлоқ янгиликлари. 13.40 — Музикали киоск. 14.10 — Биатлон. Жаҳон чемпионати. 14.55 — Осмон—Ер. Фильм. спектакль. 16.45 — Бугун — Аэрофлот куни. 17.00 — Хатларингиз асосида. 17.30 — Киносаёҳатчилар клуби. 18.30 — Мультфильм. 18.40 — Халқаро панорама. 19.25 — Тоғ чанги спорти бўйича жаҳон чемпионати. 19.55 — Кинопанорама. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли фильм 22.20 — Хоккей. Халқаро турнир. 24.00 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 Зарядкага сафланинг. 9.20—Эзги гастроллар. Бадиий фильм. 10.40 — Ҳайвонот оламида. 11.40 — Ҳужжатли фильм. 12.35 — Кучлилар, довюраклар, эпчиллар. 13.20 — Суҳбатдошингиз — ёзувчи А. Чаковский 14.40 — Мультфильм 15.40 — Илмий-оммабоп фильлар. 16.10 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 15.40 — Енгил атлетика. СССР чемпионати. 17.10 — Бизнинг биография 1922 йил. 18.10 — Фильм-концерт 18.55 — Строговлар. Бадиий фильм. 1-серия. 20.00 — Эрмитаж. 20.30 — Ҳайрли тун, кичкинтойлар 20.45 — Биатлон. Жаҳон чемпионати. 21.30 — Время. 22.05 — Чет эл фильмлари экрани

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Фильм-концерт. 10.50 — Мен сизни севардим Бадиий фильм. 12.15 — Қувиоқ стартлар. 13.15 — Ёшлик. 14.20 — Бугун—Аэрофлот куни. 13.55 — Светофор. 14.55 — Ўзбекистон спорти. 15.25 — Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VII Тошкент халқаро кинофестивали олдидан. 16.05 — Реклама. 18.05 — Мультипанорама. 19.00 — Санъат гунчаларн. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телеминиатюралар. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Мимино. Кинокомедия.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Музикали композиция. 10.20 — Ота-оналар, Сизлар учун. 10.50 — Сизни қизиқтирган адабиётлар. 11.35 — Спортлото. 11.40 — Музей ва кўргазма заллари бўйлаб 12.05 — Классик кураш. СССР чемпионати. 12.45 — Советлар ва ҳаёт. 13.15 — Голиблар 14.45 — Дунё воқеалари 15.00 — Болалар учун фильм. 16.05 — Спорт программаси. 17.10 — Ҳайвонот оламида 18.10 — Мультфильмлар. 18.40 — Снёсий шархловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 19.10 — Ойимкиз ва безори. Бадиий фильм. 20.00 — Фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. 21.30 — Время 22.05 — Музикали программа 23.50 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.25 — Илк муҳаббат ҳақида етти кичик ҳикоя. Бадиий фильм. 10.35 — Тонгги почта. 11.05 — Инсон Ер. Коинот. 11.50 — Биргаликда — аҳил оиламиз. 12.20 — Ҳужжатли экран 13.30 — Будденброклар. Спектакль. 1-қисм 14.45 — Илмий-оммабоп фильм. 15.05 — Адабий альманах 16.45 — Концерт 16.30 — Ижтдаги учрашув. Бадиий фильм. 17.40 — Музикали киоск. 18.10 — Халқаро обзор. 18.25 — Киносаёҳатчилар клуби. 19.25 — Тоғ чанги спорти бўйича СССР кубоги. 19.45 — Эрмитаж. 20.30 — Ҳайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Здоровье 21.30 — Время. 22.05 — Хоккей. ЦСКА — Химик.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Сўз кетидан сўз келар. 10.30 — Даурия. Бадиий фильм. 1-серия. 11.55 — Кинопублицист экрани. 12.40 — Шахмат мактаби. 13.10 — Концерт. 13.50 — Совет киноси усталари Л Орлова. 14.50 — Йўл харакати хавфсизлиги учун. 18.00 — Мультипанорама 19.00 — До-ре-ми-фа-соль. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Қўшиқ айтган етар мурода 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Кишлов — чорвадорлар учун масъулиятли давр. 22.25 — «Шайтон мадайлари» Кинокомедия.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.
Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41
ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия ҳаёти — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-35—53, 32-54-13; иллюстрация